БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 2 (16.995). ● 3 январь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан текин фойдаланишга ўтиши тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда ўқтириб ўтиладики, СССРнинг янги Конституциясида мактаб дарсликларини текин бериш кўзда тутилганлиги катта сиёсий, иҳтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мамлакатда мактаб дарсликларидан текин фойдаланишнинг жорий этилиши умумий мажбурий ўрта таълимни амалга ошириш шароитини яхшилашга, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни янада такомиллаштиришга кўмаклашади. Бу тадбир, дарслик китобларнинг ғоявий-назарий савияси ва улардан фойдаланишнинг самарадорлиги учун халқ маорифи органларининг, педагогика коллективлари, илмий муассасалар ва нашриётларнинг масъулиятини ҳам оширади.

Мамлакат халқ маорифи органлари, ўқув-педагогика нашриётлари кейинги йилларда бу соҳада муайян ижобий иш олиб бордилар. Мактаблар ўқув йили бошлангунча дарсликлар билан ўз вақтида асосан таъминланиб турибди. Баъзи иттифоқдош республикаларда мактабларнинг кутубхона фондидаги дарсликлардан текин фойдаланиш соҳасида ижобий тажриба тўпланди. Бундай тажриба педагоглар, ўқувчилар коллективлари ва ота-оналар жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва уларга манзур бўлди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1978—1983 йиллар мобайнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан текин фойдаланишга ўтишини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бундан кейин ўқувчиларнинг барча контингенти учун қоида тариқасида ҳар 4 йилда бир марта тўла тираж билан дарсликлар нашр этилиши шундан кейинги йилларда дарсликларнинг зарур миқдори қўшимча нашр этилиши лозим. Алифбе китоби ҳар йили нашр этилиши ва ўқувчилар биринчи синфни битириб чиққандан кейин уларнинг ўзларида қолдирилиши керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари мактаб дарсликларидан тўғри, оқилона фойдаланиш учун педагоглар коллективларининг ва оиланинг масъулиятини оширишлари лозим.

СССР Маориф министрлигига, ВЛКСМ Марказий Комитетига, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Марказий Советига барча ўқувчиларни, пионерлар ва комсомолларни давлат мулки бўлган дарслик китобларни авайлаб асраш руҳида тарбиялашни яхшилаш, дарсликларни энг яхши сақлаш учун мусобақалар, кўрик ва конкурслар ўтказиш топширилди.

СССР Маориф министрлиги, СССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари барча типдаги мактабларда ўқувчиларнинг дарсликлар билан текин таъминланишига ўтиш тартиби ва муддатларини тасдиқлашлари керак. Мактаблардаги кутубхоналарнинг дарсликлар фондини яратиш ва уни янгилаб туришнинг перспектив ва йиллик планлари ишлаб чиқилсин, шунингдек ҳар бир синф ва ҳар бир предмет бўйича дарсликлар нашр этиш ва кўшимча нашр этиш муддатлари ҳамда тиражлари белгилансин. Шу билан бирга умумий ўрта таълим мактаблари билан бир катордa ўрта хунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг дарсликларга бўлган талаб-эҳтиёжлари назарда тутилсин.

СССР Маориф министрлиги, СССР Фанлар академияси, СССР Педагогика фанлари академияси, иттифоқдош республикалар маориф (халқ маорифи) министрликлари мактаб дарсликларининг ғоявий-назарий савиясини янада оширишни, уларнинг политехника йўналишини кучайтиришни, дарсликларнинг структурасини такомиллаштиришлари ва ҳажмини қисқартиришни таъминлашлари лозим. Ўқув планидаги барча предмет дарсликларининг стабиллигини таъминлаш чоралари кўрилсин.

СССР Министрлар Советининг Нашриёт полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига мактаб дарсликларининг сифатини ларнинг безатилиши ва полиграфия ижросини янада яхшилаш чораларини кўриш таклиф этилди. Ўқув-педагогика нашриётлари ходимларининг амалий малакаси системали равишда оширилсин, бу нашриётлар мактабда таълимнинг замонавий мазмунини яхши биладиган мутахассислар билан мустаҳкамлансин. Қарорда мактаб дарсликларини нашр этувчи полиграфия корхоналарининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тадбирлари тасдиқланди.

СССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, иттифоқдош республикаларнинг нашриёт полиграфия, китоб савдоси давлат комитетларига дарсликларнинг мактаб фондлари яратилиши натижасида тежаб қолинадиган қоғоздан асосан ўқув-методика, бадиий ва болалар адабиёти нашр этишни кўпайтириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Мактаб дарсликларини умумий таълим мактабларига, ўрта хунар-техника билим юртларига ва ўрта махсус ўқув юртларига СССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ва Центросоюзнинг китоб савдоси тармоқлари орқали халқ маорифи органларининг нарядларига мувофиқ етказиб бериш ҳамда тақсимлашнинг ҳозирги мавжуд қоидаси сақлаб қолинади.

Умумий таълим мактабларида дарсликларнинг кутубхона фондини яратиш, янгилаб туриш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ тадбирларга ҳар йили давлат бюджетидан зарур маблағ ажратиб кўзда тутилди.

Партия ва совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ушбу қарорга мувофиқ ўрта умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан текин фойдаланишга уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашлари лозим.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ЙИЛИ

Тарих зарварағидан яна бир йил ўтмишга айланди. 1977 йил билан хайрлашдик. Совет кишилари ўтган йилни Советлар мамлакатининг шонли зафарлари учун ҳақконий ифтиҳор туйғуларига тўлаб-тошган ҳолда кузатиб қолдилар. Юбилей йили мамлакатимиз ҳаётига, ҳар бир совет кишисининг тақдирига СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланган йил бўлиб кирди.

«Совет халқи, — дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига Янги йил табрикномасида, — Октябрь эрасининг еттинчи ўн йиллигига куч-қудрати, ғайрати барқ уриб яшнаган ҳолда умидворлик билан қадам қўйди. Социалистик саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз муттасил ўсиб такомиллашмоқда, фан ва техника муваффақиятли ривожланмоқда, совет кишиларининг маънавий ҳаёти тобора сермазмун бўлиб қолмоқда. Халқ фаровонлиги ошмоқда».

Совет кишилари шуни яхши билишадики, мамлакатимиз эришаётган барча муваффақиятлар ленинча партиямиз олиб бораётган доно сиёсат туфайли, мамлакатимиздаги барча миллат ва элат меҳнаткашлари қилган фидокорона ишнинг натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси юбилей йили зафарларига якун ясаб, бундан буёнги юксалиш режаларимизни белгилаб берди. «Юбилей йили мусобақасидаги меҳнат ғайрат-шижоати ва маромини сақлаш ва мустаҳкамлаш зарур, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида. — Бугун кечагидан яхшироқ, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш керак. Шу кунинг шиори ана шундай. Яхшироқ ишлаш эса сифатга, самарадорликка, меҳнат унумдорлигини ўстиришга алоҳида эътибор бериш демакдир. Социалистик мажбуриятларнинг ўзаги, шунингдек, умуман бутун хўжалик фаолиятимизнинг ўзаги худди шундадир».

Кўриниб турибдики, 1978 йил учун белгиланган топшириқларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш бугунги қундаги энг муҳим вазифадир. Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзларининг бутун диққат-эътиборларини 1978 йилни беш йилликнинг зарбдор йилига айлантиришга қаратишлари даркор. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, вужудга келтирилган иқтисодий потенциалдан омилкорлик билан фойдаланиш, капитал маблағларни ишга туширилиадиган энг муҳим объектларга жамлаш ва асосий фондларни ўз вақтида ишга тушириш, фан-техника тараққиётини ва ишлаб чиқаришни интенсивлашни бутун чоралар билан жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, тежамкорликни кучайтириш вазифаларини амалий равишда ҳал қилишга кўпроқ эътибор бериш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида таъкидланганидек, 1978 йил плани — партия XXV съезднинг қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишда муҳим бўғиндир. Зарбдор йил плани экономикани янада ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишни, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни назарда тутади. Унда халқ турмуш даражасини ошириш, фан, маданият, маориф, маиший хизмат ва социал таъминотни ривожлантиришни кўзда тутган кенг социал программа баён қилиб берилган. 1978 йил плани партиянинг меҳнат аҳли ҳақида, унинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжлари ва маънавий талабларини қондириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам янги йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш шиори кенг қулоч ёзди. Тошкентлик ишчиларнинг 1978 йил планини СССР Конституцияси қабул қилинган кунинг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажариш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси бутун республикамизни қамраб олди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача 2,5—3 йиллик планларни бажариб қўйган беш йиллик гвардиячилари эндиликда бир беш йилликда ўн йиллик миқдорида топшириқни бажаришга азму-қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг янги йил арафасида бўлиб ўтган саккизинчи Пленуми ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси республикамизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг келгуси йил планларини якдиллик билан маъқуллади. Бу муҳим ҳужжатлар республика партия ташкилотлари, барча меҳнаткашларини КПСС XXV съезди қароларини бажариш учун, экономика, маданиятни ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун қурашда жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолиши турган гап. 1978 йил топшириқларини ҳар бир меҳнат коллективи, район, шаҳар, область ва умуман республикамиз тўла ва ошириб бажаришини таъминлаш Ўзбекистон партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифасидир.

Зарбдор йилда ялпи ижтимоий маҳсулот 3,4 процент, миллий даромад 3,6 процент, саноат маҳсулоти ҳажми 4,5 процент ошадики, булар республикамиз тараққиётининг кўзгуси ҳисобланади. Шунингдек, пахта, дон, шоли, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳар қачонгидан ҳам кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари янада ортади.

Буларнинг ҳаммаси ленинча тинчликсевар ва бунёдкорлик сиёсатини амалга ошираётган шонли Коммунистик партиямиз ўтказаётган йўлнинг ғоят тўғри эканлигидан далолат беради.

Янги йилнинг дастлабки кунларида меҳнат коллективларидан олинган ва газетамизнинг бугунги саҳифаларида ёритилаётган хушхабарлар меҳнат аҳли йилни яхши бошлаётганлигини, 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантиришга астойдил киришганлигини кўрсатиб турибди.

«Совет кишилари Ленин партияси XXV съезднинг, партия Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини бажара бориб, юбилей социалистик мусобақасининг меҳнат жўшқинлиги ва маромини мустаҳкамлаб, янада ривожлантирадилар, 1978 йил ҳам зарбдор меҳнат йили бўлиб қолиши учун ҳамма ишларни киладилар».

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг совет халқига Янги йил табрикномасида айтилган бу сўзлар ҳар бир меҳнаткашнинг қалбидан чуқур жой олиб, уни янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Янги йил яратувчилик меҳнат шижоатига тўлиб-тошган бунёдкор йил бўлади. Республикамиз меҳнат аҳлининг бугунги шиори ана шундай.



1970 йилнинг декабрь ойи эди. Чорвоқ ГЭСи ишга тушди. Унинг дастлабки агрегатлари энергия бера бошлаган ўша кундан бошлаб, ҳозиргача 6 миллиард 200 миллион киловатт соат энергия ҳосил қилди. Беш йилликнинг учинчи йилидан турбина коллективи 600 минг киловатт қувватли тўрт агрегатнинг мунтазам ишлашини таъминлаб, ҳар қачонгидан кўп энергия ҳосил қилишга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) ГЭСнинг энг яхши смена бошлиқларидан инженер Барот Аминов ва корхона умумий кўриниши.

Г. Пун ва И. Чернов фотолари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

МОДДИЙ РЕСУРСЛАР — КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ» БОШҚАРМАСИ ҲАМДА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЯНГИЕР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Джизакстепстрой» бошқармаси ҳамда В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид ташаббуси тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда шу нарса қайд этиладики, Жиззах даштини ўзлаштирувчиларнинг ҳамда В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг коллективлари Жиззах ва Сирдарё областлари партия ҳамда совет органларининг раҳбарлигида КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1977 йилда каттагина муваффақиятларга эришдилар.

«Джизакстепстрой» бошқармаси қурилиш-монтаж ишлари планини 1977 йил 12 декабрь куни бажарди. Янги ерларни, уй-жой биноларни, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа объектларни ишга тушириш топшириқлари ошириб бажарилди.

Янгиер комбинати саноат маҳсулотини реализация қилиш планини 1977 йил 3 декабрь куни бажарди, комбинатнинг лойиҳада белгиланган қуввати анча миқдорда — 18 минг кубометр миқдорида оширилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш топшириқлари ортиги билан бажарилди.

Шу коллективларда материал ва хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасида катта иш қилинмоқда.

Янгиер комбинатидаги коммунист бригадир В. Абаимов ва «Джизакстепстрой»га қарашли «Иржарсовхозстрой» трестидаги арматурачи А. Вяткиннинг ташаббуси билан иқтисод ва тежамкорлик учун оммавий ҳаракат бошланди. Рационализатор ва ихтирочилар бу ҳаракатга актив қўшилдилар.

Шу йўл билан 1977 йилда «Джизакстепстрой» бошқармасида 158 минг сўмлик Янгиер комбинатида 66 минг сўмлик материал ресурслари тежаб қолинди.

«Джизакстепстрой» ва В. И. Ленин номидаги Янгиер комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси материалларини муҳокама қилиб, 1978 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, иқтисод ва тежамкорлик учун оммавий юриш эълон қилишга қарор бердилар.

Коллективлар Челябинск область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ташаббусидан, «Главзапстрой» ва «Саратовэнерго» меҳнатчиларининг намунасидан ибрат олиб, материаллар, ёқилғи ва хом ашёни иқтисод қилиш ҳамда тежаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишди.

Халқ контроли группалари ва «Комсомол прожекторлари» браккa, исрофгарчиликка, хўжасизликка қарши актив кураш олиб бормоқдалар. Улар билан бир қаторда ишлаб чиқариш илғорлари, инженерлар ва техниклар орасидан жамоат кенгашлари ва комиссиялари тузилди, улар материаллар, ёқилғи, электр энергияни тежаб-тергаб сарфлаш учун қўшимча имкониятларни қидириб топмоқдалар. Чунончи, Янгиер комбинатида 150 ишчи ва инженер-техник ходимлардан иборат 17 та иқтисод ва тежамкорлик кенгаши, «Джизакстепстрой» бошқармасида материал ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича 22 та жамоат комиссияси тузилди.

«Джизакстепстрой» қурувчилари коллективлари ўз имкониятларини пухта чамалаб кўриб, резервларни аниқлаб, 1978 йилда белгиланган топшириқлардан ташқари 2200 тонна цемент, 350 тонна металл, 1200 куб метр ёғоч материаллари, 2,8 миллион киловатт-соат электр энергия ва 7,5 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолишга қарор қилдилар.

Янгиер комбинатининг ходимлари 800 тонна цемент, 200 куб метр ёғоч материаллари, 250 тонна металл, 200 минг киловатт-соат электр энергия, 600 гекакалория иссиқлик энергияси, 100 тонна шартли ёқилғи тежаб қолишга, хом ашё ва материалларни тежаш йўли билан 90 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи, зарбдор йилида давлат планларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги юксак социалистик мажбуриятлар коллективларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Джизакстепстрой» бошқармаси ҳамда В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг давлат планини барвақт бажаришга ҳамда ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид социалистик мажбуриятларини, шунингдек барча қурувчиларга ва бинокорлик индустрияси ходимларига мурожаатини маъқуллаб, «Главсредазирсовхозстрой»га, Сирдарё ва Жиззах область партия комитетларига моддий ресурсларни иқтисод қилиб ва тежаб-тергаб ишлатиш юзасидан ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва юксак унум билан меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига «Джизакстепстрой» ва Янгиер комбинати коллективларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни исрофгарчиликка ва унумсиз чиқимларга қарши, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш соҳасидаги социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдиришга қаратиш тавсия этилди.

(«Джизакстепстрой» ва В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг мурожаати газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

2 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	0,7	95,3	0,1	85,9
Андижон	1,5	81,2	—	79,6
Наманган	0,5	60,7	0,06	40,7
ҚҚАССР	0,04	49,7	—	—
Жиззах	1,4	48,7	0,4	23,4
Сирдарё	1,2	42,7	0,4	53,2
Сурхондарё	—	34,1	0,3	72,7
Бухоро	0,7	24,2	—	—
Фарғона	0,8	23,5	0,1	41,2
Хоразм	—	22,4	—	—
Қашқадарё	0,5	5,4	0,6	14,7
Самарқанд	0,3	2,1	0,05	25,9
Республика бўйича:	0,4	32,9	0,1	44,3

«САЛЮТ-6»: ПРОГРАММА БЎЙИЧА УЧИЛЯПТИ

Учишни бошқариш маркази, 2 январь. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко ва Георгий Гречконинг «Салют-6» орбитал илмий станциясидаги иши давом этмоқда.

Бугун экипажда медицина эксперименталари куни. Космонавтлар «Чибис» вакуум костюмидан фойдаланиб, юрак-қон томири системаси тадқиқотларини ўтказадилар. Космонавтлар қон айланиш системасининг комплекс тадқиқотлари ва бошқа бир қанча экспериментлар ҳам мўлжалланган.

Медицина контроли маълумотларига кўра, экипаж иккала аъзосининг сиҳат-саломатлиги яхши. Командирнинг томир уриши минутига 65 марта, борт инженерининг эса 60 марта. Артерия қон томирининг босими симоб устунининг 130/65 ва 120/60 миллиметрини ташкил қилади.

Экипажнинг докладлари ва телеметрик информация маълумотларига кўра, станция ичидаги системаларнинг аҳволи нормада. «Салют-6» орбитал илмий станциясининг учиши давом этмоқда.

БАЙРАМ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бугун — музаффар Ўнинчи беш йиллик қутлуғ учинчи йилининг учинчи куни. Республикамизнинг қаҳрамон ишчилар синфи, қўли гул бинокорлар, азамат транспортчилар 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун енг шимариб ишга киришдилар. Айрим тармоқларнинг ишчилари, ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт ходимлари, электр станцияларнинг нурчилари эса янги йил куни байрам меҳнат вахтасида туришди. Телефон орқали жойлардан олинган қуйидаги материаллар шу ҳақда ҳикоя қилади.

ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги нишонланган, СССР янги Конституцияси қабул қилинган 1977 йил, — дея хабар қилди В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи директори Ш. Хайруллаев, — барча совет кишилари қатори корхонамиз коллективи учун ҳам қувончли бўлди. Металлургларга йиллик планга қўшимча бир ярим миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлашди. Ўзаро социалистик мусобақада пўлат эритувчилар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Масалан, ноябрь ойида улар заводнинг бутун тарихи давомида биринчи марта пландан ташқари 1200 тонна пўлат эритиб, мартен печларининг унумдорлигини оширишда рекорд қўйдилар. Декабрь ойида «Юбилей йилига — зарбдор якун» шиори остида мусобақалашган мартенчилар фақат аъло сифатли пўлат эритишга муваффақ бўлдилар. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулотлар салмоғи умумий ҳажмда 46 процентга етганлиги металлургилар маҳорати тобора ошаётганлигидан далолатдир. Ўмуман фахрий беш қиррали металл қўйиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбурият анча ошириб адо этилди.

Бекобод металлургларининг унумдорлигини оширишда рекорд қўйдилар. Декабрь ойида «Юбилей йилига — зарбдор якун» шиори остида мусобақалашган мартенчилар фақат аъло сифатли пўлат эритишга муваффақ бўлдилар. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулотлар салмоғи умумий ҳажмда 46 процентга етганлиги металлургилар маҳорати тобора ошаётганлигидан далолатдир. Ўмуман фахрий беш қиррали металл қўйиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбурият анча ошириб адо этилди.

Бекобод металлургларининг янги — 1978 йилни зарбдор суръатлар билан бошладилар. Байрам меҳнат вахтасида турган мастер Шераали Ҳамроқулов, узлуксиз пўлат қўйиш қурилмасида ишлаган Юнус Юсупов бошлиқ бригаларнинг аъзолари аввалгидек юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Корхона коллективи 1978 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш учун ички резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланишга, Улуғ Октябрь 60 йиллиги ва СССР янги Конституцияси қабул қилинишига бағишлаб ўтказилган мусобақа жараёнидаги энг яхши тажрибаларни оқилона қўллашга қатъий аҳд этган. Шундай резервлардан бири — ўтган йили ураллик мутахассислар ёрдамида реконструкция қилинган «300» прокат станидир. У прокат тайёрлаш ҳажмини анча оширибгина қолмай, сифатини ҳам яхшилаш имконини беради. Завод фақат шуннинг ўзигагина бу йил минг тонна металлни тежаб қолишни режалаштирган.

КАТТА МАКСАД ЙЎЛИДА

Ўрта Осиёда химия индустриясининг тўнғичи — Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам 1977 йилда зўр ғайрат билан меҳнат қилди. Натижада социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари 30 сентябрда бажарилди. Пил бошидан буён пландан ташқари бир миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Қўшимча равишда 15 минг тоннадан ортиқ аммиак ва 55 минг тоннадан зиёд минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилидан камроқ вақт ичида пландан ташқари бутун тўқизинчи беш йилликдагига нисбатан анча кўп ўғит тайёрланди. Давлат Сифат белгиси билан жўнатилган маҳсулот 1975 йилдагига нисбатан бир ярим баробар ортди.

— Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси, — ҳикоя қилади бирлашманинг катта аппаратчиси, СССР Олий Совети депутати В. Васильева — аввало ўз ишининг кўзини яхши билган моҳир усталар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони аппаратчи Эргаш Пирматов, мен билан бирга ишлаётган дугоналарим Лариса Сухова, Шура Мустафоева ва бошқа кўп кишиларнинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати натижасида ана шу муваффақиятларга эришилди. Мен ишлаётган коммунистик меҳнат сменамиз ҳақида шуни айтишим мумкин: биз 1977 йилги мажбуриятларимизни июнь ойидаёқ бажардик. Маҳсулотнинг таннархи шу тармоқ корхоналаридаги ўртача кўрсаткичдан анча кам бўлди.

В. Васильева бошлиқ смена янги йилни меҳнат календарида 1978 йилнинг иккинчи ярми учун маҳсулот тайёрлаш билан бошлади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда автоматлаштирилган система ёрдамида бошқарилаётган аппаратлар бир маромда ишлаб турибди.

Корхона меҳнат аҳли янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб мамлакатда юз миллионинчи тонна минерал ўғитни ишлаб чиқариш юзасидан шарафли меҳнат вахтасида қатнашиш учун фидокорона кураш олиб бормоқда.

БИРИНЧИ ПОЕЗД

Гулистон шаҳар темир йўл станцияси ходимлари 1978 йилни катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Улар юбилей йили план топшириқларини асосий кўрсаткичлар бўйича анча ошириб адо этдилар. Гулистонлик темир йўлчилар ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаш, 1978 йилни зарбдор меҳнат билан нишонлаш максадида янги йилнинг биринчи куниданоқ меҳнат вахтасига чиқдилар.

Мана, шаҳар темир йўл вокзали. 1 январь. Соат 00 дан 5 минут ўтганда бу ерга янги йилнинг биринчи — «Тошкент — Ўчқудуқ» поезди кириб келди. Уни навбатчи В. Угрюмушкина қарши олди. Шундан сўнг темир йўлчилар ҳаракатида қизғин паллалар бошланди.

— Бугун станция навбатчилиги вазифасини ёш коммунист Г. Солдаткин бажармоқда, — деди станция бошлиғи вазифасини ўтовчи Ринат Абдурашидов.

Геннадий Солдаткин ёш. Эндигина 25 баҳорни қаршилади. У темир йўлчилик касбини шу ерда — Гулистон темир йўл станциясида эгаллади. Беш йилдирки шу касбни ардоқлаб келмоқда. Янги йилнинг биринчи куни у бошлиқ темир йўлчилар 32 йўловчи поездни кутиб олиб, белгиланган манзилларга узатиб қўйдилар. Бундан ташқари халқ хўжалик юклари ортилган юздан ортиқ вагонни юклаш-тушириш ишларини тезкорлик билан адо этишди.

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН ЮРИШ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ» ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЯНГИЕР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА БИНОКОРЛИК ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! Мамлакатимиз дунёдаги бошқа ҳар қандай мамлакатдан кўра кўпроқ иншоотлар қурмоқда ва кўпроқ бинокорлик материаллари ишлаб чиқармоқда. Ана шундай шароитда бинокорлик материалларини, шунингдек ёқилғи ва энергияни тежаб-тергаб, оқилона сарфлаш айниқса муҳимдир. Тежамкорлик бизга кўпроқ ютуқларга эришишга, илдамроқ олға боришга, ўйлаб қўйилган режаларни тезроқ бажаришга ёрдам беради. Коллективларимиз давлат планлари ва юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажараётган экан, бунда моддий ресурсларни тежаб-тергаб, омилкорлик билан ишлатишнинг роли катта бўлмоқда.

Қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти эканлигини ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтди. «Ҳар бир сўм, ҳар бир меҳнат соати, ҳар тонна маҳсулотни аниқ ҳисоблаш ва самарали ишлатиш хўжасизлик ва ландшафтларимизни таг-томири билан тутатиш — бизнинг юксак партиявий бурчимиздир, — деди у. — Чунки бизу ўзимиз учун энг азиз бўлган — Ватан бойлиги ва қудрати йўлида, халқимизнинг фаровонлиги ва равнақ топиши йўлида тежаймиз».

Тежамкорлик — коммунистик хислат эканлиги тўғрисидаги фикр КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида алоҳида кўч билан таъкидланди.

Ташкилотларимиз ва корхоналаримизнинг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақа давомида моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш соҳасида ҳам бирталай муваффақиятларга эришдилар. Тежамкорлик учун кураш янги формалар касб этмоқда. Агар илгари материалларнинг исроф бўлишига, иш вақтининг зое ўтишига қарши халқ контролерлари, «Комсомол прожектори» группалари кураш бўлсалар, энди ишчиларнинг ўз ташаббуси билан тузила бошлаган тежамкорлик комиссиялари улар билан бирга ҳаракат қилмоқдалар. Бу комиссияларга ҳар бир касбнинг етакчи мутахассислари, ишлаб чиқариш новаторлари, илғорлари — моддий ресурслардан фойдаланиш билан бевосита алокадор кишилар киритилди.

Моддий бойликларга чиначакам хўжайинларча муносабат намуналарини айтиб ўтамиз. «Мирзачўлсовхозстрой» трестига қарашли 12-механизациялашган кўчма колоннанинг Владимир Урюпин бошлиқ монтажчи комсомол-ёшлар бригадаси беш йилликнинг икки йилида 7,5 кубометр ёғоч материали, 30 кубометр деворбоп қоришмани, 3,5 тонна цементни тежаб қолди. Бригаданинг 1978 йилги мажбуриятига: оқилона иши ҳисобига 5 кубометр ёғоч материал, 20 кубометр бетон, камида икки тонна цементни тежаймиз, деб ёзиб қўйилган.

«Иржарсовхозстрой» трести саноат корхоналари комбинатида арматурачи Александр Вяткин ташаббуси билан тежамкорлик комиссияси тузилди. Комиссиянинг фаолияти комбинатда икки йил ичида 250 кубометр ёғоч материал, 220 тонна цемент, 70 тонна шартли ёқилғи, 50 минг киловатт-соат электр энергия тежалишига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Комиссия ишлаб чиққан янги тадбирлар туфайли бу йил янада кўпроқ тежамкорликка эришиш мумкин бўлади.

Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида коммунист В. Абаимов бошлиқ бетончилар бригадаси электр линияси тиргаклари ишлаб чиқарувчи заводда меҳнат қилиб, иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатининг ташаббусини бошлади ҳамда унумсиз чиқимларни камайтириш ҳисобига 20 тонна цемент ва икки тонна пўлатни тежади. А. Шабалин бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси бу ташаббусни ривожлантириб, арматура пўлатини оқилона ишлатиш ва ишга яроқли чиқитлардан фойдаланиш ҳисобига 15 тонна металлни тежаш мажбуриятини олди.

Темир-бетон заводидаги Г. Подольский бошлиқ электрикчилар бригадаси 30 минг киловатт-соат электр энергияни тежаш режасини тузди. Электр линия тиргаклари заводида тузилган иқтисод ва тежамкорлик кенгашига 15 киши, шу жумладан, 11 илғор ишчи киритилди. Кенгаш белгилаган тадбирлар 1978 йилда 60 тонна пўлат, 500 тонна цемент, кўплаб иссиқлик ва электр энергиясини тежаш имконини беради. Комбинатнинг барча заводлари, цехлари ва участкалари шу ташаббусга иштиёқ билан қўшилдилар. Иқтисод ва тежамкорлик билан шуғулланувчи 17 та кенгашга ишлаб чиқаришнинг 120 илғор ишчиси киритилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси ташкилотларимиз ва корхоналаримизнинг коллективларига 1978 йил учун ресурсларни тежашга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб шу тадбирларни социалистик мажбуриятларга кўшиш имконини берди. Чунончи, «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг ташкилотлари бу йилда белгиланган топшириқлардан ташқари 350 тонна металл, 1220 кубометр ёғоч материал, 2200 тонна цемент, 2,8 миллион киловатт соат электр энергия ва 7,5 минг тонна шартли ёқилғини тежаш мажбуриятини олди В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида 250 тонна металл, 200 кубометр ёғоч-тахта, 800 тонна цемент, 200 минг киловатт соат электроэнергия ва юз тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади. Шу материаллардан 90 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланди.

Қадрли қурувчилар, монтажчилар, бинокорлик индустрияси ходимлари! Ҳар биримиз материалларни, машина — механизмларни нақадар тежаб-тергаб ишлатсак, мамлакат ўнинчи беш йиллик топшириқларини шу қадар муваффақиятлироқ бажаради. Ҳар бир иш жойида металл ва ғиштнинг, цемент қоришмаси ва бетон аралашмасининг, ойна ва ёғочтахтанинг унумсиз исроф бўлишини имкони борича қисқартиришга эришиш мумкин ва лозим. Ҳар кимда ҳам иқтисод қилиш резервлари бор, ана шу резервларни ишга солиш — бизнинг вазифамиздир.

Материаллар, электр энергия, ёнилғи, ёқилғи сарфига тежаб-тергаб омилкорлик билан муносабатда бўлингиз! Иқтисодий ва тежамкорлик учун бошланган юриш қатнашчиларининг сафларини кенгайтиринг! «Тежамкорлик — коммунистик хислат» бизнинг шиоримиз эканлигини унутмангиз!

Мурожаат «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси ҳамда Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Уйчи районидаги «Гулистон» совхози меҳнаткашлари областда биринчилар қаторида пахта планини ортиғи билан адо этган эдилар. Хўжаликда ҳосилдорлик 34 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдагидан 7 центнер кўпдир. Шу кунларда совхоз марказий устахонасида иш қизғин. Бу ерда қишлоқ хўжалик машиналари ремонтдан чиқарилмоқда. Суратларда (чапдан): тонарь Толибжон Абдусалямов, ремонтчилар Абдувоҳид Абдусатторов, Олимжон Темиров, электр пайвандчи Мўмин Акбаров ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ МУҲИМ ЖАБҲАСИ

Коммунизмнинг музаффар ғоялари, улуғ ишимизнинг тантанасига ҳаётимизда ёркин мисоллар кўп. СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши, мамлакатимизда ва бутун дунёда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи тантанали нишонланганлиги, яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ва уларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқлари, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси ўтган тарихан қисқа муддат ичида партиямиз ва халқимиз босиб ўтган қаҳрамонона йўл натижаларини якунлади.

Идеология фронти ходимлари, шу жумладан республика «Билим» жамиятининг кўп кишилик активи ва барча аъзолари учун партиямизнинг ҳозирги кунда ички ҳаётни ва янада демократлаштириш, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш, халқаро мусобаталарда, тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик учун, демократия ва социализм учун курашни активлаштириш каби муҳим вазифалар билан алоқадор сўнгги ҳужжатларини ҳар бир совет кишисининг онгига, қалбига етказишдан ҳам муҳимроқ ва олижаноб вазифа йўқ. Республика «Билим» жамияти фаолиятига худди ана шу позициядан туриб баҳо бериладиган бўлса, шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, кейинги вақтда, хусусан СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида, партиямиз Марказий Комитетининг 1977 йил май, октябрь, декабрь Пленумлари қарорларини, СССР Олий Советининг назбатдан ташқари еттинчи сессияси, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб Катта Кремль саройида ўтказилган тантанали қўшма мажлисининг материалларини пропаганда қилиш вақтида катта тажриба тўпланди.

Ана шу даврда қолаверса ҳозирги кунда ҳам лекторолимларнинг корхона, ташкилот, совхоз ва колхозларга коллектив бўлиб боришлари, лекторий, семинар ва илмий конференциялар, «Фан кунлари», «Лекторлар кунлари», савол-жавоб кечалари, донгдор кишилар билан учрашув кечалари ўтказиш, оғзаки журналларнинг сонлари, думалоқ стол атрофидаги суҳбатлар ва оммавий ишнинг бошқа формалари кенг тарқалди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари раҳбарлигида, жумладан Наманган областида «Уч авлод учрашуви», Сирдарё областида «Маданият фестивали», Бухоро областида «Лекторлар эстафетаси» ўтказилди. Фарғона область «Билим» жамияти революция, меҳнат ва жанговар шон-шуҳрат эстафеталари билан юздан ортиқ учрашув ўтказди. Узсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф, Маданият министрликлари билан биргаликда «Октябрь маршрутлари бўйлаб» шиори остида агитсамолёт ва агитпоездлар ташкил этилди.

Бу жиҳатдан республика Юстиция министрлигининг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти коллективларининг олиб борган ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Улар ўн учта илмий-назарий ва илмий-амалий конференция ўтказдилар.

СССР Конституцияси пропагандаси барча доимий ишловчи лекторийларда, кино ва радиолекторийларда олиб борилди. Бундай лекторийлар республикамизда 3,5 мингга яқин эканлиги ҳисобга олинса, нақадар улкан иш қилинганлигини билиш қийин эмас. Халқ университетларининг қариб 250 минг тингловчиси якуний машғулотларда партиямиз Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми материаллари ва қарорларини ўргандилар. Янги Конституция лойиҳасини тушунтириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Республикамизда муҳим сиёсий ҳужжатларни халқ сиёсий мактабларида ўрганиш анъана бўлиб қолган. Ҳозирги кунда бундай мактаблар Ўзбекистоннинг ҳамма областида ишлаб турибди. Уларда юз минглаб тингловчилар ўз сиёсий билимларини оширимоқдалар. Халқлар дўстлиги ленинча ғояларини ҳамда иттифоқдош республикалар ютуқларини кенг пропаганда қилиш мақсадида Ўзбекистонга Москва, РСФСР, Украина, Белоруссия, Туркманистон, Грузия ва бошқа қардош республикалардан лектор-олимлар ташриф буюришди. Ўз навбатида ўзбекистонлик лекторлар ҳам қардош республикаларга бориб, эришилган ютуқларимиз ҳақида сўзлаб бердилар.

СССР янги Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши халқимизнинг КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга ошириш коммунистик жамият қурилиши йўлидаги меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини кучайтириб юборди. Республикамиз меҳнаткашлари барча совет халқи қатори Асосий Қонуннинг ҳар бир моддасини, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигига жавобан илҳомбахш меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларига содиқ қолиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган мусобақада катта ютуқларга эришдилар. Пахтакорларимиз даллатга 5 миллион 680 минг тонна «оқ олтин» топшириб рекорд натижага эришдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 31,6 центнерга тўғри келди. Бу кўрсаткич жаҳон рекордига тенгдир! Республика ишчилар синфи ҳам Октябрнинг шонли юбилейини муносиб кутиб олди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 21 декабрда бажарилди.

Республика «Билим» жамияти ташкилотлари ҳам юбилей йилида яхши кўрсаткичларга эришдилар. Ун бир ой ичида лекция ўқиш йиллик плани ошириб бажарилди. «Билим» жамияти аъзолари шу вақт ичида 874 минг лекция ўқидилар. Шундан қариб 430 минги юбилей мавзуига ҳамда СССР янги Конституцияси пропагандасига бағишланган эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, Узсовпроф, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан ҳамкорликда 17-26 октябрда областларга агитбригадаларнинг ташкилий сафари уюштирилди. Бу тадбирларда 120 киши қатнашди. Бундан ташқари жамият республика правлениесининг йўлланмаси билан 108 лектор янги Конституция бўйича лекция ўқиш мақсадида областларга борди. СССР янги Конституцияси ҳамда КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми материаллари бўйича тошкентлик лекторлар биргина пойтахт областида мингдан зиёд лекция ўқиганини айтиш кифоя.

Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ўртасида «КПСС XXV съезди қарорлари — жанговар ҳаракат программаси» деган лекторий катта эътибор қозонган. 1977 йил мобайнида шу лекторийнинг 14 машғулоти ўтказилди. Ўнда республика Госплани, министрликлар, идоралар ва ижодий союзларнинг раҳбар ходимларидан 38 киши доклад қилди. Лекторий машғулотларидан бири муҳим мавзуга — ишлаб чиқариш илғорлари иш тажрибасини ўрганишга бағишланди. Машғулотда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Олий Советининг депутати Л. Казанцева, электротехника заводи созловчиси, беш йиллик планни ошириб адо этиш ташаббуси билан чиққан ўн ишчининг бири А. Муҳамедов, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари, Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери В. Раченков ва бошқалар ўз ишлари ҳақида мароқли сўзлаб бердилар. Бундай лекциялар табиийки, лекция пропагандаси самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик юбилейи тантаналари арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими «Билим» жамияти ҳамда республика Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда республика «Билимлар уйи»да «Янги Конституция — ривожланган социализм давлати Конституцияси» деган мавзуда конференция ўтказди. Конференцияда 700 дан ортиқ лектор ва пропагандист қатнашди. Таниқли олимлар конференцияда қизиқарли доклад қилдилар. Конференция материаллари оммавий нашрга тайёрланмоқда. Янги Конституция пропагандаси бўйича лекциялар тематикаси ҳам нашр этилди.

Халқимизнинг ижодий ташаббускорлиги, меҳнат ва сиёсий активлиги кун сайин ошиб бораётган бир шароитда жамоат ташкилотлари олдида янада мураккаброқ ва масъулиятлироқ вазифалар кўндаланг бўлади. Шунинг учун республика «Билим» жамияти правлениесининг ўтган йили 14 декабрда бўлиб ўтган пленуми лекция пропагандасини янада кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Бунда барча оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари янги Конституциянинг ҳар бир модда ва ҳар бир қондаси ҳар бир меҳнаткаш қалбига етиб боришига, ғоявий қуролнинг барча воситалари гражданларнинг ижтимоий активлигини янада ошириш, меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдиришга сафарбар этишга қаратилмоғи кераклиги таъкидлаб ўтилди. Лекция пропагандаси планли равишда барча меҳнат коллективлари, ўқув юртларида ва турар жойларда ўтказилишига, бу пропаганда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишига ва совет кишилари ўз Конституцияларини, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, ўз гражданлик бурчларини пухта билиб олишларига эришиши лозим. Шу мусобақат билан СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси иштирокчиларини, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг совет ва хўжалик органларининг, раҳбар ходимларини, юристлар, халқ хўжалиги мутахассислари, илмий ва ижодий интеллигенция намояндаларини бу ишга кенг жалб этиш зарур.

СССР Конституциясига оғишмай амал қилиш, умумхалқ давлати ишида меҳнаткашларнинг кенг иштирокини тушунтириш, ёшларни совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаш, Советлар мамлакати халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг халқаро майдонда тинчликсевар, изчил интернационал сиёсати аҳамиятини тушунтириб бермоқ керак. Ҳар бир лекцияда совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, жамиятимиз сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги бўлмиш Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва етакчилик роли ҳақида кенг фикр юритмоқ мақсадга мувофиқдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоннят тараққиёти» докладида таъкидлаганидек, «Совет кишиларининг онглилик даражаси, маданияти, гражданлик масъулияти турмушнинг ҳамма соҳалари ва жамиятимизни ривожлантириш учун тобора катта роль ўйнайвереди. Ҳар бир кишини юксак ижтимоий мақсадларга интиладиган, ғоявий эътиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларнинг биридир».

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун эса лекция пропагандаси савиясини тағин ҳам юқори кўтаришимиз, ўз билимларимизни оширишимиз, ишнинг янгидан янги форма ва методларини эгаллаб боришимиз лозим. Ҳамма ерда «Билим» жамияти ташкилотларининг радио, телевидение, ижодий союзлар, матбуот ҳамда сиёсий ва илмий тарғибот билан шуғулланувчи идеология муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

Биз лектор кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ягона системасини жорий этишимиз лозим. Бунда Ленинград ташкилотининг иш тажрибаси бизга жуда кўл келади. Бунинг учун шароитимиз ҳам бор. Тошкентдаги икки йиллик лекторлик маҳорати шаҳар университетида машғулотлар бошланди. Унда 200 дан ортиқ жамоатчи лектор ва пропагандист ўз билимларини ошириб, лекция пропагандасининг методларини эгалламоқда. Бу ишнинг бошланиши, холос. Бу йил барча область марказларида шундай университетлар иш бошлайди. Кўпгина олий ўқув юртларида бўлганидек, «Билим» жамиятининг йирик бошланғич ташкилотларида ҳам ёш лекторлар мактаблари очилса яхши бўларди. Колаверса ҳар бир шаҳар ва районда лекторлик маҳорати мактаби ишлаб туришига эришмоғимиз лозим.

1978 йилда республика «Билим» жамияти ташкилотларида лекторларнинг жамоат аттестацияси бошланади. Бу муҳим иш лекторлар малакасини аниқлаш, улар фаолиятини активлаштириш ҳамда лекция пропагандаси таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўтказилади. Икки йил давом этадиган аттестация кампанияси мумкин қадар катта фойда келтирадиган даражада ўтказилиши лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев идеология ишини коммунизм учун курашнинг муҳим жабҳаси деб атаган эди. Дарҳақиқат иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётининг бориши ҳам ана шу жабҳадаги ғалабаларимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

С. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
республика «Билим» жамияти правлениесининг раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Бекобод районидаги тўртта хўжалигининг 10 минг гектар пахта далалари эндиликда қудратли вертикал дренаж системаси ҳимоясига олинди. «Ташобмелиоврстрой»га қарашли 3-механизациялаштирилган кўчма колонна коллективи 73 та массивда тик қудуқ қазиб, уларни электр магистралига туташтирди.

Система қурилиши чоғида унинг қандай ишлаши текшириб кўрилди. Бу ерда машина ёрдамида ер ости сизот сувларининг сатҳи бир метрдан уч метрга қадар камайтирилди ки, бу ҳосилдорликни икки баравар ошириш, гектаридан 33 центнер «оқ олтин» олиш имкониятини берди. Дастлабки йигирма қудуқда масофадан туриб бошқарадиган автоматика монтаж қилинган.

Гидросозлар Бекобод районида иккинчи дренаж системасини барпо қилишга киришдилар. (ЎзТАГ).

АКТИВ ЎҚУВИ

Касаба союзлари Тошкент область Совети икки йилга мўлжалланган назарий семинар ташкил этди. Унда касаба союзлари область Совети аппаратининг ходимлари, тармоқ касаба союзлари область комитетларининг раислари, секретарлари, бўлим мудирлари малака оширадилар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова семинарнинг биринчи машғулотида «КПСС XXV съезди қарорлари — совет касаба союзлари фаолиятининг жанговар программаси» мавзуида лекция ўқиди.

Тингловчилар семинар машғулотларида КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми якунлари ва касаба союзларининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида, шунингдек, «Касаба союзлари структураси иш формаси ва методларини такомиллаштириш — улар фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарур шарти», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун кураш — ҳозирги шароитда мусобақанинг муҳим хусусиятидир» сингари мавзуларда лекциялар тинглашади. Тошкент Олий партия мактаби, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, «Билим» жамиятининг аъзолари семинар машғулотларида лекция ўқишга жалб этиладилар.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ
ТАСС

ҚОЗОҒИСТОН:

ОИЛАВИЙ БРИГАДАЛАР ОЛДИНДА

Манғишлоқ областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида ёшларнинг чўпон бўлиб ишлашга ахд қилганликларига бағишланган тантанали йиғилиш ёш қўйчивонларга меҳнат паспортини топшириш билан бошланди.

Бош чўпон Муқит Қизилгулов залдагиларнинг қарсаклари остида ўз ўғлига чўпон таёғини топширди. Шу тариқа яна бир оилавий бригада вужудга келди.

Ака-ука Беккалиевлар совхозда ана шундай бригадаларни ташкил этишни бошлаб берган эдилар. Улар ўн икки йилдан буён отарларни боқиб, энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар — ҳар юз бош совлиқдан 140-150 тадан қўзи олмоқдалар. Чўпонлар механизаторларнинг ёрдами билан суғорма майдонларга беда экадилар, етарли миқдорда емхашак тайёрлайдилар. Улар хашак майдалайдиган қурилма ўрнатдилар, иккита қўтон қурдилар, эски иморатларни ремонт қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда хўжаликда 20 дан кўпроқ оилавий бригада бор. Бундай бригадаларнинг ташкил этилиши совхозга ёшларнинг қўйчиликда муқим ишлаб колиши проблемасини ҳал қилишга ёрдам берди. Сўнгги икки йил ичидагина ўрта мактабларни битириб чиқувчилардан икки юздан кўпроқ киши чўпон бўлиб ишламоқда.

ЛИТВА:

ҚИШЛОҚ ҚУРУВЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

«Верусава» совхозида йирик чўчқачилик комплекси фойдаланиш учун топширилди. Бу — «Литмежколхозстрой» бирлашмасининг юбилей йилида ишга туширилади ган сўнгги объекти. Қишлоқ қурувчилари йиллик планни республикадаги қурилиш ташкилотлари ўртасида биринчи бўлиб бажардилар.

Бирлашма коллективлари «Юбилей йилини зарбдорларча якунлаймиз» деган шиор остида мусобақалашиб, ўз мажбуриятларий шараф билан адо этдилар. Саноат базасининг мустаҳкамланганлиги бунга ёрдам берди: Юрбарк бинокорлик материаллари комбинати, Тельшаяй ва Пеневежис шаҳарларида енгил йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар тўла қувват билан ишлай бошлади.

ТОЖИКИСТОН:

ЯНГИ ЙИЛ БАЛИ УЧУН

Баланд Помир тоғидаги «Андароб» қишлоғида янги клуб қуриб битказилди. Душанбадаги «Армуғон» фабрикасининг коллективи янги йил байрами арафасида ана шу клубга ҳаваскорлик оркестри учун миллий чолғу асбоблари комплектини совға қилди. Фабрикада ишлаётган музика асбоблари усталари орасида помирликлар кам эмас. Улар тоғликлар музиканы севишини яхши биладилар. Шу боисдан ҳам улар учун ажойиб чолғу асбобларини ясадилар.

Ҳозирги вақтда Помирда 180 та маданий-оқартув муассасаси бор. «Армуғон» фабрикасининг коллективи республиканинг барча областларидаги маданий қурилиш планларини диққат билан кузатиб туради.

(ТАСС мухбирлари).

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

редакция почтасидан

Қутлуғ янги йилимизнинг иккинчи куни редакциямиз почтасига газетхонлардан 70 та хат ва 4 та фотосурат келди. Хатхабарларнинг аксариятида 1977 йилни катта зафарлар билан кузатиб, Янги йилда янги марралар сари отланган меҳнат коллективлари, илғорлар, ташаббускорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Қуйида ана шундай хабарлардан айримлари мазмуни билан танишишингиз мумкин.

МИННАТДОРМИЗ

Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози правлениеси ва партия ташкилоти меҳнат ветеранлари, ногиронларга катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Кексалар, қаровчиси бўлмаган кишиларга иззат-иком кўрсатилмоқда.

Бундан бир неча ой бурун колхоз раиси, СССР Олий Совети депутати Х. Турсуновга янги уй қуриб берилишини сўраб, мурожаат қилдим. У мени хушмуомалалик билан қарши олди. Арзимни тинглади. Эртасигаёқ уйимизни кўргани комисия юборди. Акт тузилди. Қисқа муддатда район ремонт-қурилиш участкаси бизга замонавий уй қуриб берди. Янги йилни янги уйда кутиб олдик. Биз оила аъзоларимиз билан бундай ғамхўрлик учун партия, ҳукуматимиздан, колхоз правлениесидан беҳад миннатдормиз.

М. ҲАКИМОВ,
меҳнат ногиронлиги.
Андижон области.

ХАЛҚ УСТАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Қўқон шаҳар Ўлкашунослик музейида машҳур халқ устаси, ўймакор наққош, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Қодиржон Ҳайдаровнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган экспозиция очилди. Экспозицияда кекса уста ижодий фаолиятига доир автобиографик ҳужжатлар, фотосуратлар ва уста ижодидан намуналар ўрин олган. Шунингдек, экспозицияда томошабинлар халқ устаси ясаган кўркам стол-стуллар, тахтиравон, қаламдон, сиёҳдон сингари ижод намуналари билан ҳам қизиқиб танишмоқдалар.

Т. ХОЛМАТОВ.

ТАБАРРУК ОНАХОН

Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхозининг Қавола қишлоғида Офтобхон Фозилова деган табаррук онахон яшайди. У киши ҳозир 109 ёшга қадам қўйдилар. Офтобхон момонинг 10 невараси, 40 эвараси ва 5 чевараси бор.

Р. ҚУРБОНОВ.

* * *

Шунингдек, тошкентлик М. Фозилов, Ю. Мамаровов, Ф. Ишченко, бухоролик И. Салимов, андижонлик Н. Маҳмудов, хоразмлик Р. Еқубов, сурхондарёлик Қ. Назиров, қашқадарёлик Ҳ. Раҳмонов, жиззахлик А. Ҳўжаниёзов ва бошқа ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хатхабарлар йўллашган.

ЯНА ТЕЛЕФОН ҲАҚИДА

Ҳурматли редакция!

Газетангизнинг шу йил 27 ноябрь сонида «Ҳурматли телефоним» деган сарлавҳали фельетонни босиб жуда тўғри ва ғоят зарур иш қилгансизлар. Минг афсуслар бўлсинки, бу телефон деган нарса Тошкент шаҳрида кўпдан бери кишилар асабининг қушандаси бўлиб қолган. Шундай чиройли қутичадан менинг уйимда ҳам анча йиллан бери бор, бироқ унинг нормал ишлаганини эслай олмайман. Мана ҳозир ҳам бизнинг уйдаги «ҳурматли телефонимиз» (№ 44-16-17) ўтган йил 20 сентябрдан буён ишламайди. Ремонт бюросига (48-99-11 орқали) ва бошқаларга қилган мурожаатларимиз ҳеч қандай натижа бермади.

Энг ачинарли жойи шундаки, бу телефоннинг нормал ишлашига кўзим етмай қолди.

Т. ЖУРАЕВ,
профессор.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози чорвадорлари янги йилни янги зафарлар билан кутиб олишди. Пландаги 942 тонна ўрнига 1126 тонна сут етиштирилиб, социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Хўжалиннинг моҳир сут соғувчиси Элвира Газизова боқимандаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 4200 литрдан ошириб сут соғиб олди.

Суратларда: совхознинг илғор сут соғувчилари Э. Газизова (юқорида), Холпошша Бўстонова ва Лутфия Абдувалиевалар (пастда).

Ж. Тўраев фотолари.

ҚИЗИЛҚУМ ШУНҚОРЛАРИ

Дағал хашак, пичан, чанғалоқ ва шелуха ортган автомобиллар колонаси Бухородан чиқиб, тўрт юз километрча йўл босгач, бепоён Томди яйловларига етиб келди.

Олисдан оқ уйлар, ғарамлар, ўтов ва қишлик қўралар кўринди. Биз Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алимқул Нисанбоев мудирлик қилаётган 6-фермасига кириб бордик. Чорвачиликни ота-бобосидан касб қилиб олган Алимқул ога йўлга пешвоз чиқиб, область деҳқонларининг ферма чорвадорларига йўллаган туҳфасини қувонч билан кутиб олди.

— Ўтган йили ҳам чўлларимиз об-ҳавоси қуруқ келди, — дейди у, — нам кам бўлди. Эрта баҳорда сал-пал кўкларган ўтўланларни ёз қуёши қовжиратиб юборди. Лекин тадбиркор, ишбилармон чўпонларимизнинг руҳи сира ҳам тушмади. Аксинча улар имкониятлардан оқилона фойдаланиб, отарларда қўй-қўзиларни соғлом сақлаб қолишди. Фермамиз бўйича ҳар 100 совлиқдан 150 тадан қўзи олинди. Уларнинг кўпчилиги ўстириш учун қолдирилиб, қўй туёғига туёқ қўшилди. Ҳозир фермамизда 10 мингдан кўпроқ қўй-қўзи боқилаётир. Янги йилда чорвамиз бош сонини 30 мингтага етказиш ниятидамиз. Қишловни яхши ўтказишда бизга беминнат ёрдам кўрсатаётган областимиз колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари, область партия комитети ва ижроия комитетидан миннатдормиз.

Шу кеча-кундузда Томди яйловларида бўлсангиз, Қизилқум чинакам мардлар майдонига айланганининг, жонқуяр ва меҳнатсевар чўпонлар чорва қишловини муваффақиятли ўтказишда жонбозлик кўрсатиб ишлаётганининг гувоҳи бўласиз. Совхозлар, фермалар ва отарлар ўртасида социалистик мусобақа авжида. Чорвани қиш-қировли кунлардан соғлом олиб чиқиш учун барча бир жонбир тан бўлиб қизғин кураш олиб бормоқда. Бунда, айниқса, коммунист, комсомоллар ибрат кўрсатишяпти.

Қизилқум шунқорларидан бири — Ажарбой Бозоровдир. Чўпонлик касби унга ота-бобосидан мерос. Уни томдиликлар яхши танийди, барча уни ҳурмат қилади. У чўлдаги қийин шароитга қарамай қўй-қўзиларнинг сонини муттасил кўпайтириб келаётир. Отарида қишловга бемалол етиб-ортадиган миқдорда ем-хашак жамғариб қўйилган. Қаҳратон қиш учун эса иссиқ қўралар мавжуд. Егин-сочинли кунларда қўйлар қўтондан олиб чиқилмайди, уларга қўшимча ем, майдаланган дағал хашак ва илиқ қудуқ сувн бериб турилади. Яхши хизматлари учун берилган Октябрь Революцияси ордени Ажарбойнинг кўксини безаб турибди.

Пешқадам чўпоннинг мусобақадоши Сарсенбой Жакиев ҳам яйловларни қўй-қўзига тўлдириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган йили унинг омади келди. Ҳар 100 совлиқдан 160 тадан қўзи олди. Унинг отарида «Томди» наслчилик заводи бўйича энг кўп урғочи қўзи ўстириш қолдирилди. Шунингдек, «Оёққудуқ» совхозидан ёш коммунист Жумабой Қартабоев, «Юбилей» совхозидан Абдибой Абдураҳмонов, Ленин номли совхозидан Тинис Бўронбоев, Балиманов номли совхозидан Ўрозали Пўлатовлар бош чўпон бўлган отарларда ҳам қишлов муваффақиятли ўтяпти.

Райондаги Жабой Баликанов номли совхоз қорақўлчилари хўжаликлар ўртасида байроқдорлик қилишяпти. Хўжаликда қариб 55 минг қўй бўлса, унинг 36 мингдан кўпроғини совлиқлар ташкил этади. Совхоз чўпонлари 1978 йилда юксак натижаларга эришиш учун тегишли тадбирларни белгилаб олишган. Улар ҳар 100 совлиқдан камида 135 тадан қўзи олишга, давлатга 28 минг қорақўл тери топширишга, 20 мингта қўзини боқишга қолдиришга қарор қилишган. Шу кунларда совхозда қишлов кўнгилдагидек ўтмоқда.

Томди яйловлари йилдан-йилга маъмурчилик масканига, чорва маҳсулотлари хазинасига айланиб бораётир. Область партия комитети томдилик чорвадорлар олдига 1980 йилгача қўйлар сонини бир миллионтага етказиш вазифасини қўйди. Бу партиявий жанговар топшириқ, албатта, бажарилади. Ҳозир Томди яйловларида 600 мингдан ошиқроқ қўй-қўзи қишлаяпти.

1978 йилда район бўйича ҳар 100 совлиқдан 140 тадан қўзи олишга қарор қилинган. Қўй-қўзиларни қишдан бечиқим олиб чиқиш учун ҳамма жонбозлик кўртиб ишлаяпти. Жамғарилган 100 минг тонна дағал хашакнинг қариб 90 минг тоннаси фермага яқин жойларга ғарамлаб қўйилди.

Қишлов чорвадорлар учун синовдир. Томдиликлар ҳам ана шу муҳим имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учун бутун куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини сафарбар этишаётир.

Ҳ. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОДДИЙ БИР КУН

ЛАВҲА

Назира Назарова билан суҳбатлашиш учун касалхонага келганимда «ёши қирқлардан ошган», «жуда маданиятли», «ўз ишининг фидойиси», «тушида ҳам болаларини кўрадиган аёл» дейишди. Уни учратганимда тавсифларга яна жуда келишган, истараси иссиқ, гўзал аёл деб қўшгим келди. Болалар ҳақида сўз очилиши билан суҳбат калити топилди. Мен Назирага бир парча қоғоз узатаман. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган: «Бола йиғлаётганини эшитсам, жуда қўрқиб кетаман, қалбимда катта бир нарса сўнаётганини сезаман. Қалбим бола йиғисидан узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Чунки у балоғатга етган киши йиғисига қараганда кўпроқ алам келтиради». Бу сатрлар Ливан адибаси Мейни Зиёда ҳикоясидан олинган. Назира билан учрашиш истаги туғилганда нима учундир, албатта, унга кўрсатаман деб газетадан кўчириб олгандим. Бу сатрларга кўз югуртираётган Назирага тикиламан. Унинг шаҳло кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди. Сўнг ўз фикрини баён этди.

— Жуда нозик қалбли адиба бўлса керак. Афсуски, унинг бошқа асарлари билан таниш эмасман. Лекин инсоннят олдидаги бурчини қўлидан келганича, жилла бўлмаса, оналар қалбининг нозик торини огоҳлантирувчи оҳангда чертиш билан ўташга ҳаракат қилибди-ку. Бола ҳаёти учун эса курашиш, курашиш керак! Биз, врачлар шундай деб ўйлаймиз. Тўғри, ҳиколда ёзилган бола йиғиси, у келтирадиган алам ўзга маънода, мен назарда тутган курашнинг кенг маъносида олинган. Лекин, мен сизга айтсам, бизнинг юртимизда болаларнинг туғилиш проценти кўп-у, касалланиш, айниқса, нобуд бўлиш проценти жуда кам. Бу бизнинг ана ўшандай йиғи, ўшандай аламнинг бўлмаслиги учун курашаётганимиз далили, инсоннят олдидаги ўз бурчимизни тўғри ўтаётганимизнинг ёрқин намунаси.

Шифокор оқ қалпоқчаси остидан чиқиб турган бир тутам сочини беркитар экан, кулиб:

— Лекин биласизми, баъзида боланинг бор овоз билан чиқираб йиғлашига ҳам зор-зор бўласан, киши.

Бу сўзларни тасдиқлагандек, унинг ҳамкасабаси, устози София Муҳитдиновна Қориева шундай ҳикоя қилади:

— Бу бўлимда ишлайдиган врач алоҳида туйғу, алоҳида меҳрга эга бўлиши керак.

Бемор гўдакни қўлимга олаётганимда кафтим, бармоқларимнинг учидан унинг бор дарди, оғриғи менга ўтаётганини ҳис қилаётганга ўхшайман. — дейди Назира. Бу тўғри. Акс ҳолда, улар билан тил топишиш яқуда қийин. у бемор ҳис қилаётганини билиши, тушуниши керак. Врач истеъдодининг самимияти ҳам айнан шунда кўринади. Бу фазилатга яна Назирада бор бошқа, мен ҳамиша ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган фазилатни ҳам айтиб ўтиш керак. Назира медицина адабиётини муттасил мутолаа қиладиган врач. Бу нимانинг белгиси, биласизми? Бу, унинг ҳамиша ўз устида ишлашидан далолат. Бугун кечагидан яхшироқ дорилар, даволаш усуллари ишлаб чиқарилаяпти. Назира бу янгиликлардан ҳамиша хабардор. Илмни ўзининг йигирма йиллик тажрибасига чоғиштириб иш олиб боришини ҳаммамиз биламиз. 225 ўринли касалхонамизда ихтисослашган лабораториялар, аппаратлар мавжуд. Ана шуларнинг ҳаммасида Назира ишлай олади. Мен педиатрман деб қараб турмайди. Айниқса, дарди оғир болаларга ўзи қарайди. Йўргаклашдан тортиб, болага дори ичириш, ичагини ювишгача ҳамширалар билан ўзи бажаради. Бу унинг ўз касбига, болаларга меҳридан.

Назиранинг ўзи эса шундай ҳикоя қилади:

— Врачлар ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, киши ўша дақиқадан бошлаб ўз ҳаёти ва касбига бутунлай бошқача қарай бошлайди. Менда шундай дақиқа йигирма йил аввал — иш бошлаганимдан кўп ўтмай юз берди. Мен ўзимни ўша кундан бошлаб врач ҳисоблайман. Ҳозир Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида ўқиётган қизим Гули бир ойлик чақалоқ эди. Дадаси билан икковимиз ёш мутахассислармиз. Хатирчида ишлардик. Бир куни кечқурун касалхонага чақириб қолишди. Гулини қўшнимизга қолдириб, касалхонага кетдим. У ерда ушланиб қолдим. Қизимни не кўз билан кўрайки, ҳаёт нишонаси йўқ? Одатда, оналар бола касал бўлса ўзларини йўқотиб қўйишади. Мен, назаримда, ўшанда оналигимни унутдим. Билардимки бу яқин атрофда қизимга ёрдам бериши мумкин бўлган киши йўқ. Мен — врачман. Ўмримда биринчи марта катта машаққат билан бир ойлик чақалоқнинг ошқозонини ювдим. У кўмир исидан заҳарланган экан. Юзта йўлдан бирини, аниқ ва тўғри йўлни танлаш учун врач совуққон бўлиши керакми? Пўғе! У ўзини йўқотиши керак эмас. Билсинки, у фақат болани қутқаради. Бемор гўдакни врачга олиб келган онанинг «Алишерингиз, Раъногингиз» деб мурожаат қилишига аҳамият берганмисиз? Боланинг онаси гўё у эмас, сизсиз! Шунча йил бўлди-ю, ҳар гал шундай мурожаатни эшитсам, юрагим бир қалқийди.

Биз болаларнинг умуман касал бўлмасликлари чорасини кўришга ҳаракат қиламиз. Бирлашмага қарашли ўттизга яқин мактабгача болалар муассасаларида, завод цехларида мактабларда қолаверса шу ерда касалхонада, поликлиникада тушунтириш ишларини олиб борамиз. Ҳозир икки юзга яқин медицина ходими болалар атрофида парвона. Шундан етмиш киши олий маълумотли. Чорвоқдаги «Гулистон» пионерлар лагерида мингдан ортиқ бола дам олиб, соғлигини тиклаб қайтади санаторий типидаги «Оқтош» соғломлаштириш лагерида ҳам ҳар йили беш юздан ортиқ бола дам олади.

«Мен саккиз фарзанднинг онаси Нафиса Ҳайитматова бўламан. Хизматим оддийгина, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларидан бирида фаррошман. Болаларимни тарбия қилишда кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдорман. Бирлашмамизга қарашли биринчи болалар касалхонасида кўп йиллардан бери Назира Назарова деган аёл хизмат қилади. Уни танимаган она коллективимизда топилмаса керак. Яқинда бир эмас икки боламнинг ҳаётини қутқариб қолди. Шу-шу болаларим қувнаб, чақнаб юрган кезларида ҳам уни эслайман, она сутидек оқ кўнгилдан унга соғлиқ тилайман...»

Раҳима ШОМАНСУРОВА.

Оламда нима гап

ЛЕНИН ДЕКРЕТИГА—60 ЙИЛ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). В. И. Ленин Финляндиянинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декретни имзолаган кунга 31 декабрда 60 йил тўлди. Мамлакат ўз тарихидаги ана шу ажойиб воқеани тантанали вазиятда нишонлади.

Шу муносабат билан мамлакатнинг давлат кенгаши тантанали қабул маросими ўтказди. Бу маросимда Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен, парламент раиси В. Хелле, бош министр К. Сорса, ҳукумат аъзолари, парламент депутатлари, мамлакатдаги сиёсий партияларнинг вакиллари, «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилоти, «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг раҳбарлари, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси ҳозир бўлди.

Ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен ва Совет делегациясининг бошлиғи Н. А. Тихонов нутқ сўзладилар.

Совет делегациясининг бошлиғи ўз нутқида бундай деди: Биз Янги йил арафасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг президент жаноблари, сизга, дўст Финляндия ҳукумати ва халқига изҳор қилган самимий табрик, қутловларини ва энг яхши тилакларини маълум қилиш қасдидаги топшириғини зўр миннуният билан бажармоқдамиз.

Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихоновни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбат вақтида Совет—Финляндия муносабатларига доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

У. К. Кекконен билан Совет делегациясининг бошлиғи 1977 йил Финляндияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига ва Финляндия давлат мустақиллигининг 60 йиллигига бағишланиб амалга оширилган тадбирларга юксак баҳо бердилар.

Саммий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССРнинг Финляндиядаги элчиси В. С. Степанов қатнашди.

Совет ҳукумат делегацияси шу куниёқ ватанига жўнаб кетди.

Хельсинки аэропортида делегацияни Финляндия бош министри К. Сорса, ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ОҚ ЙУЛ, ЯНГИ ЙИЛ

1977 йил халқаро миқёсда қандай ўтди? Унинг ўзига хос белгилари нималардан иборат бўлди, унинг қиёфасини қайси воқеалар белгилайди? Ўзлаб янги йил мактубларидаги, нутқлари, суҳбатлари, обзорлари ана шу саволларга жавоб беришга интилмоқда. 12 ой ичида доимо шу қадар кўп воқеалар содир бўладики, баъзан уларнинг орасидан энг муҳимларини танлаб олиш мушкул бўлади. 1977 йилга якун ясалаётган ҳозирги пайтда қандай манзара намоён бўляпти? Англиянинг машҳур Рейтер агентлиги анъанавий янги йил арафаси обзорига бир назар ташлайлик. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрами. СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши, совет орбитал «Салют—6»- илмий станциясининг учирилиши энг муҳим воқеалар қаторида тилга олинган...

Дарҳақиқат, Совет социалистик давлатининг олтмиш йиллиги юбилейи ва унинг янги Конституцияси ҳаммаларнинг диққат марказида бўлди. Йилнинг ана шу икки энг муҳим воқеаси ҳозирги даврнинг бутун манзарасини ўзида акс эттирди. Бу воқеалар давримизнинг белгиловчи хислатларини, етакчи тенденцияларини, унинг келажагини, тинчлик, тараққиёт ва социализм тақдири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини равшанлаштириб берди.

«Ер куррасидаги энг буюк мамлакатнинг халқи ўзи учун янги Конституция яратаётган экан,—деди Ғарбий Германия олими доктор Томас Нойман,—бунн тарихий воқеа деса бўлади. Ана шу Конституция одамларни шу дамгача гражданлик ҳуқуқлари қосасида қилган ва эшитган ҳамма нарсаларидан ҳам ошиб тушаётган экан, инсон озодлиги ва қадр-қимматини кўзловчи ҳар бир киши бунинг СССР учунгина эмас, бутун инсоннят жамияти учун ҳам олға томон қўйилган катта қадам эканлигини кўриб турибди...

Буржуа матбуоти ҳам Совет Конституциясига тан беришга мажбур бўлди. Буржуа матбуоти бу ҳужжатда гражданларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, шунингдек шу ҳуқуқларни амалга оширишнинг конкрет гарантиялари бирон бир ерда ва бирон бир жойда мисли кўрилмаган тарзда кенгроқ, равшанроқ ва тўлароқ ёзиб қўйилганлигини хас-пўшлашга муваффақ бўла олмади. Швециянинг энг катта буржуа газетаси — «Дагенс нюхетер» Совет Конституцияси тўғрисидаги мақоласида бундай деб ёзди: «Совет гражданлари Конституцияни ўз мамлакатида раҳбарларнинг ривожланган социалистик жамият тўғрисида гапиришга имкон берган зўр иқтисодий ва социал ривожланиш амалга оширилганлигининг ўзига хос исботи деб билиб, шу билан фахрланаётганлиги боиси равшан». Лондондаги «Гардиан» газетаси эса ҳатто: Совет Иттифоқининг гражданлари «Ғарб ҳавас қилса арзийдиган» эркинликлардан фойдаланмоқдалар, деб иқрор бўлди.

Ҳавас қилса арзийди! Ҳолбуки йил бошланганидан бери Ғарбдаги ҳар бир кишининг қулоғига бутунлай бошқа гапни: социалистик дунёда «инсон ҳуқуқлари бузилмоқда» деган гапни қўйиб келган эдилар-ку, ахир. Империалистик пропагандининг «уйдирма тўқиш трести»дагилар идеология соҳасида янги салб юриши бошлашга сигнал берган эдилар. Вашингтоннинг қўли билан Ғарбга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «шунқор»нинг аслаҳалари илиб қўйилган эди.

Аммо янги чиққан салбчилар ўлжа оламан деб бориб, ҳеч вақосиз қайтдилар, деса бўлади. Халқаро жамоатчилик ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери халқларнинг энг асосий ҳуқуқларини ва инсон эркинликларини амалга ошириш учун оғизда эмас, балки амалда кимлар курашаётганлигини, кимлар эса бу ҳаракатга даҳлдор бўлиб қолишга, ҳатто раҳбарликни даъво қилишга интилаётганлигини пайқаб қолди.

60 йил муқаддам Улуғ Октябрь барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилди, ҳозир эса юзга яқин ёш давлат империалистларнинг кишанларидан халос бўлди. Иккинчи жаҳон урушида СССР ғалаба қозониб, империализм кучларига қақшатқич зарба урилганлиги туфайли икки миллиарддан знёд кишн мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлади. Ўзини инсон ҳуқуқлари учун «курашчи» деб эълон қилган Вашингтон эса Тинч океандаги Микронезия устидан ўз контроллигини абадийлаштиришга уринмоқда, Пуэрто-Рикода мустамлака ҳукмронлигини давом эттирмоқда.

Улуғ Октябрь мамлакати ўзининг биринчи Декрети қиланоқ инсоннинг бошқа ҳамма ҳуқуқларини таъминлаб берадиган ҳуқуқ—тинч шароитда яшаш ҳуқуқини ёқлаб чиққан эди. Американиг нейтрон бомба ихтиро қилинган атом лабораторияларида сурбетларча айтаётганлардек, инсондан ном-нишон ҳам қолмаслиги мумкинлиги вашингтонлик инсон ҳуқуқлари жонкуярларини мутлақо ажаблантирмаяпти.

Ғолиб социализм XX аср бошларидаёқ инсоннинг зулмсиз ва эксплуатациясиз эркин яшаш ҳуқуқи, мўл-кўлчиликда ҳаёт кечириш, социал тенглик, миллий бойликни одилона тақсимлаш, гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқи сингари туб ҳуқуқлари бундан буён орзу эмас балки ҳақиқат бўлиб қолади, деб эълон қилган эди. Буржуазия статистикасининг маълумотларига қараганда ҳар ўн кишидан бири қашшоқлик азобини тортаётган, 17 миллион ишсиз меҳнат биржалари остонасидан нари кетмаётган дунёнинг корчалонлари дафъатан инсон ҳуқуқларини эслаб қолган эканлар, улар бутун дунёга инсонпарварлик тўғрисида ваъз айтишдан кўра ўз мамлакатларидаги аҳволга бир назар ташласалар ўринли бўлар эди.

Оқ уйнинг инсон ҳуқуқлари теварагида кўтарган шовқин-сурони оу машмаша ташаббускорларининг ўз бошига калтак бўлиб урилди. Бу нарса оғриқ жамиятининг энг нозик иллатларини ошкор қилиб қўйди, ҳужумга отланган кимсаларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ эканлигини фош қилди. «Эркин дунё»нинг энг мўрт қанотлари — Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги империализмга иттифоқдош бўлган диктаторлик режимларининг миси чиқиб, уларни янада тез-тез мисол қилиб кўрсатишадиган бўлиб қолишди. Социализмга қарши кампания ташкилотчилари бамисоли икки ўт ўртасида қолдилар: улар ташқаридагина эмас, ўз уйлари ичидан ҳам зарбага учрамоқдалар, улар мамлакатидаги гражданлик ҳуқуқлари учун курашчиларнинг ҳаракатлари анча активлашди. Урушни ўзгаларнинг майдонига кўчириш ниятида бўлган кишилар энди уни ўз территорияларида олиб бориша мажбур бўлмоқдалар.

1977 йил Совет Иттифоқининг тинчлик юришидаги яна бир муҳим марра бўлди. «Руслар ҳақиқатан ҳам олға босмоқдалар, — деб ёзди «Вашингтон пост» газетаси, — аммо улар ядро бомбалари ёки танклар билан олға босаётганлари йўқ. Асло бундай эмас. Совет Иттифоқи техника тараққиёти, иқтисодий ривожланиш ва социал проблемаларни ҳал этиш сингари соҳаларда муттасил олға силжишга интилмоқда. Бу муваффақиятлар — куч-қудрат белгиларидир». Афсуски, нейтрон бомбаларни, қанотли ракеталарни ва милитаризмнинг бошқа тимсолларини куч-қудратнинг асосий белгилари деб ҳисобланган лагерда бундай сергак мулоҳазалар мунчалик тез-тез айтилаётгани йўқ.

У ердагилар, Пентагон стратеглари ва ҳарбий-саноат комплексининг корчалонлари тили билан айтганда «гарантияланган қирғин қилиш» аслаҳахонасини тўлдирмоқдалар ва такомиллаштирмоқдалар. Аммо инсонятга бошқа хил гарантиялар: ҳавфсизлик ва ишончли тинчлик гарантиялари, бунёдкорлик ва равнақ топиш гарантиялари керак. СССР ўзининг 60 йиллигида ташқи сиёсат бобида бошлаган ташаббуслар ҳудди шу гарантияларни назарда тутади.

21 октябрь куни Совет Иттифоқи Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар ҳарбий кескинлик юмшатилганлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳаракат платформасини қабул қилишилар: бирбирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида шартнома тузишилар, Европадаги мавжуд ҳарбий-сиёсий гуруҳларни кенгайтирмасликка рози бўлсинлар, деб таклиф қилди.

2 ноябрь куни Совет Иттифоқи ҳамма давлатлар ядро қуроли ишлаб чиқаришни анча оир вақтда тўхатиш тўғрисида, шунингдек ядро қуролининг оарча синовларини муайян муддатга тақиқлаш билан бирга тинч мақсадлардаги ядро портлатишларини ҳам тақиқлаш тўғрисида бир оитимга келсинлар, деб таклиф қилди.

24 декабрь куни «Правда» газетасида Л. И. Брежневнинг шу газета муҳорир саволларига қайтарган жавоблари эълон қилинди. Бу жаволарда Ғарб давлатлари нейтрон бомба ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечишга даъват этилди.

Бу таклифлар — Совет Иттифоқи узоқ муддатли тинчлик стратегиясининг, кескинликни юмшатиш стратегиясининг бир қисмидир. Бу стратегия янги йилда ҳам барча тинчликсевар халқлар ва мамлакатларни ядро уруши хавфига қарши курашга сафарбар этиши ва жалб қилиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан олганда БМТ Бош Ассамблеяси халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф этган Декларацияни қабул қилганлиги 1977 йилнинг катта воқеаси бўлди.

Вашингтоннинг стратегия ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокараларда бир ёқлама ҳарбий устунликка эга бўлиб қолиш ва «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» баҳонаси билан ўзгаларнинг ишларига аралашиш йўлидаги уринишлари сабабли Совет-Америка муносабатларида вужудга келган турғунлик кўзгатилиб, бартараф этилганлигини ҳам 1977 йилги халқаро ишлар соҳасида эришилган ютуқлар жумласига қўшмоқ керак. Совет ташқи сиёсатига хос сабр-тоқат, қатъият, битмас-туганмас холислиият ана шу муносабатлардаги бўшашувчиликни бартараф этишга ёрдам берди. Вашингтон маъмуриятининг олий поғонасидагилар бироз сергак тортганлиги ҳам сезилди, албатта. «Қияликдан жарга қуламаслик ва бошқа деворга тегмаслик учун қачон орқага қайрилиш керак-лигини президент билади»,— деб ёзди обзорчи Ж. Крафт.

Аммо биз кескинликни юмшатиш соҳасидаги ютуқларни қайд этиш, халқаро майдондаги ижобий ўзгаришлардан қувониш билан бирга ҳушёрликни бир лаҳза ҳам бўшаштирмаслигимиз, тинчлик душманларининг маккорлиги ва ниёнаткорлигини унутмаслигимиз керак. Бир пайтлар Яқин Шарқдаги аҳвол Женева сулҳ конференциясини чақириш яқинлашиб қолганлигидан, можарога жалб этилган томонларнинг ҳаммаси учун мақбул бўлган бир битимга келиниши мумкинлигидан дарак бергандек бўлган эди. Аммо, аста-секин тайёрланган фитна юзага чиқиб, эзли унинг ҳамма хатарли оқибатларини ҳисоблаб ҳам бўлмайдиган бўлиб қолди. Бегин билан Садат сиёсат саҳнасига чиқарилди, улар «яраш-яраш» комедиясини ўйнаб, ўткир халойиқнинг юзаки қарсакларига сазовор бўлмоқдалар. Уларнинг орқасида эса бу комедиянинг ҳақиқий ташкилотчилари — нефть монополиялари турнишибди. Улар, модомики, «аввал ўртаниб бўл, сўнг ҳукмрон бўл» сиёсати ва Исроил экстремизми билан араб реакцияси тил бириктириши ёрдамида ўз иштаҳаларини қондириш мумкин бўлса, куч ишлатиб, таваккал қилмасликка қарор бердилар.

Африканинг баъзи бир районлари осмонида ҳам мустамлакачиликни қайта тиклаш булутлари қуюқлашмоқда. Ангола ва Мозамбикда халқ ҳукуматлари ҳокимият тепасига келганлигига, Зимбабве, Жанубий Африка Республикаси ва Намибиядаги озодлик ҳаракати кенг қулоч ёзганлигига жавобан янги мустамлакачилар Африкадаги тараққийпарвар режимларга қарши агрессив хуружлар қилмоқдалар. бу қитъани можаролар ва ўзаро қирғин уруши майдонига айлантиришга уринмоқдалар.

Эски йил ўз ишларини— тугалланган ва чала қолган ишларини янги йилга топширмоқда. Чала қолган ишлар кўп. 1978 йилги халқаро сиёсат майдонида кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, ўткир проблемаларни ҳал этиш. можаро ва кризисларни тинчитиш соҳасида катта-катта ишлар турибди. Л. И. Брежневнинг Боннга қиладиган визити. стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги иккинчи Совет-Америка битимини тайёрлаш тугалланиши, БМТнинг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси муносабати билан бутун дунёда катта умидлар вужудга келмоқда.

Тинчликни мустаҳкамлаш 1978 йилдаги энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Одамлар Янги йилнинг ўзларига тинчлик ва омон-эсонлик келтиришига умид қилиб, ўз тақдирларини унга ишониб топширимоқдалар.

В. КУЗНЕЦОВ.
(ТАСС).

ВЬЕТНАМ БИЛАН КАМПУЧИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

ХАНОЙ, 2 январь (ТАСС). Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати Вьетнам билан Кампучия ўртасидаги муносабатларга доир баёнот эълон қилди. Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: Вьетнам Социалистик Республикаси икки мамлакат — Вьетнам ва Кампучия чегаралари ҳамда территориялари тўғрисидаги масалада бир-бирларининг территориал бутунлигини ҳурмат қилишга, бирдамликни мустаҳкамлашга, қардошларча ҳамкорликни кучайтиришга, ҳуқуқий тенглик ва адолат принципларига мувофиқ ҳар икки мамлакат ўртасида барқарор чегаралар ўрнатишга асосланади.

Кампучия икки мамлакат ўртасидаги чегарада кескинликни доим кучайтириб келганлиги чуқур таассуф билдиришга арзийди. Кампучия 1977 йилнинг апреліидан бошлаб ҳозирги пайтгача йирик қуролли кучлардан, шу жумладан артиллериядан фойдаланиб Вьетнамнинг чегара районларига кўп марта хужум қилди.

Кампучия матбуоти ва радиоси Вьетнам Социалистик Республикасини агрессия қилиш ва шу хилдаги хатти-ҳаракатларда асоссиз айбловчи хабарларни хамиша тарқатиб келмоқда. Вьетнам Социалистик Республикасининг халқи ва қуролли кучлари бунга жавобан чегара районларида территорияни, гражданларнинг ҳаёти ва мол-мулкини мухофаза этиш чораларини кўришга мажбур бўлдилар.

Вьетнам Компартияси ва Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати ҳар икки мамлакат ўртасидаги чегара масалаларини тезроқ ҳал этиш мақсадида Кампучия билан музокаралар олиб бориш позицияларида турибди. Вьетнам ўз мамлакатининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини қатъий ҳимоя қилади ва айни вақтда Кампучиянинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиб, ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги жанговар бирдамлик ва дўстликни ҳимоя қилиш ишига бутун куч-ғайратини сарф этади.

Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати ҳар икки мамлакат ўртасидаги чегара масалаларини қардошларча дўстлик руҳида биргаликда ҳал этиш учун ҳар қандай даражада икки томоннинг учрашувини дарҳол ўтказишни яна таклиф этади. Вьетнам Социалистик Республикасининг халқи ва ҳукумати ҳар икки мамлакатнинг энг муҳим узоқ даврни кўзда тутган манфаатлари йўлида чегара масалаларни муваффақиятли ҳал этилишига аминдир.

ПЕКИН, 2 январь (ТАСС). Кампучиянинг Хитойдаги элчиҳонаси бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида ўз ташқи ишлар министрлигининг баёнотини эълон қилди. Бу баёнотда Кампучия ҳукумати Вьетнам Социалистик Республикаси билан муносабатларни вақтинча узишга қарор берди дейилади.

Матбуот конференцияси Пекин маъмурларининг ёрдами билан уюштирилган эди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

200 томли «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» нашр этиб бўлинди. Бу кутубхонанинг сўнгги китоби Янги йил арафасида магазинларга жўнатилди, деб маълум қилишди ТАСС мухбирига СССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб саздоси ишлари давлат комитетида.

Янги йил нашрлари орасида Катта Совет Энциклопедиясининг 24-томи ҳам бор. Бу том батамом Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бағишланган.

Бадиий адабиётни севувчилар Янги йил арафасида И. Гончаров, Литва шоири Э. Межелайтис асарларининг биринчи томларини олдилар.

Кичкинтой китобхонлар ҳам унутилгани йўқ. Улар «Болаларга Владимир Ильич Ленин тўғрисида» шеърлар ва ҳикоялар тўплами, революционер-шоир К. Рилеевнинг танланган шеърлари ва бошқа кўпгина китоблар билан танишадилар.

Ахборот

ЎЗТАГ ВА ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЧЎЛДА БИЛИМ ЮРТИ

Жиззах шаҳрида янги санъат билим юрти фаолият кўрсата бошлади. Бу билим юртида санъатга ихлос қўйган 60 йигит-қиз таълим олмоқда. Келаси йили бу ўқув юртида студентлар 200 нафарга етказилади. У фақат Жиззах области учунгина эмас, бутун республикамизга мутахассис кадрларни тайёрлаб берадиган билим даргоҳига айланади.

Н. МИРЗАЕВ.

УРГАНЧ МЕҲМОНИ

Мурманск давлат денгиз пароходчилигига қарашли «Урганч» теплоходи денгизчилари билан Урганч шаҳри меҳнаткашлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда теплоход экипажи ургончликларнинг меҳмони бўлди. Экипаж аъзолари шаҳар корхоналари ва мактабларида, Хива шаҳрида, Туямўйин гидроузели қурилишида самимий кутиб олинди.

Кема капитани Ю. А. Дмитров экипажнинг фаолияти ва ҳаёти ҳақида гапириб берди. Кема Атлантик океанини, ҳатто «сеҳрли» Бермуд учбурчагини ҳам бехатар кесиб ўтган. Экипаж коллективи юбилей йилида планга қўшимча равишда тўрт минг тонна юк ташиб берди.

Хоразм сафари, область пахтакорларининг меҳнат зафарлари меҳмонлар хотирасида ёрқин из қолдирди.

Ф. ЗОҲИДОВ.

САМАРАДОРЛИК МОДЕЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг олимлари тузган математик модель йил фасли ва сувга бўлган эҳтиёжга қараб сув хўжалик системасининг энг мақбул иш режимини танлаб олишга имкон беради. Ишлаб чиқилган схемага биноан, электрон-ҳисоб машинаси сув омборидаги сув запасини, сув кириш-чиқиш миқдорини, хўжалик мақсадларига зарур сув сарфини назарда тутиб, сув ресурсларидан энг рационал фойдаланиш тайёр вариантини беради. Бу модель суғориш системалари иш самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланишга мўлжалланган.

ШАҲРИХОН АТЛАСИ

Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг янги цехлари комплекси янги 1978 йил арафасида фойдаланишга топширилди. Энди корхонанинг лойиҳадаги қуввати икки баравар ошди.

ЯНГИ ЗАВОД

Давлат комиссияси янги йил арафасида Сурхондарёдаги Ленин йўли пахта тозалаш заводи фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги актни имзолади. Завод Сурхон — Шеробод даштидаги ингичка толали пахта етиштирладиган янги районда қурилди. Янги завод — область пахта тозалаш саноатининг ўн биринчи корхонасидир. Бу корхоналарнинг тўрттаси ингичка толали пахтани қайта ишлаш учун мўлжалланган. Улар республикамиз мамлакат тўқимачиларига етказиб берилаётган энг юқори сифатли пахтанинг учдан икки қисмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда.

МИНГ ЙИЛЛИК ҚУДУҚЛАР

Қашқадарё область Косон районидаги «Партия XXII съезди» колхози агрономи Саттор Холиёров гоморқасини чопаётиб қадимги тегирмон тошига дуч келди. Тошни сурган эди, қудук чиқди, унда қумушдек тоза сув ярқираб турарди. Ўтказилган анализлар сув тотли эканлигини тасдиклади.

Шу атрофда икки метрли ер қатлами остидан яна бир нечта шундай қудук ва тош ховузлар чиқди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг тадқиқотчилари ғиштларнинг терилиши ва катталигига қараб қудуклар бундан минг йил аввал қурилганлигини аниқладилар.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЭНГ ЯХШИ

Тбилисилик динамочилардан Давид Кипиани мамлакатимизнинг 1977 йилги энг яхши футболчиси деб тан олинди. «Футбол — хоккей» ҳафталик газетасининг анъанавий анкетаси саволларига берилган жавобларга кўра Кипиани жами 323 очко билан юқори баҳо олди. Газета, журнал, ТАСС, АПН, радио ва телевиденининг қарийб 157 журналисти 81 марта биринчи, 29 марта иккинчи ва 22 марта учинчи овоз берди. Д. Кипианидан кейинги фахрли ўринлар киевлик динамочи Олег Блохин билан Донецкнинг «Шахтёр» командаси дарвозабони Юрий Дегтяревларга лойиқ кўрилди. Анкеталарда қайд қилиш бўйича Блохинда 198, Дегтяревда 171 очко тўпланди. Журналистлар жами 11 командадан 31 футболчининг номини кўрсатдилар. Давид Кипиани бундай юқори баҳога ўнинчи бўлиб сазовор бўлди. Илгарилари мамлакатимизнинг энг яхши футболчиси, деб москвалик торпедочи Валерий Воронин билан Эдуард Стрельцов, киевлик динамочилар Олег Блохин, Андрей Биба, Владимир Мунтян ва Евгений Рудаков, москвалик спартакчи Евгений Ловчев ҳамда армиячилар Альберт Шестернев билан Владимир Астаповскийлар муяссар бўлгандилар.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ВОЛЕЙБОЛ.** Олмаотада биринчи лига эркаклар командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки давра биринчи тур ўйинлари ниҳоясига етди. Чемпионатда иштирок этган Тошкентнинг «Динамо» командаси 5 очко билан юқори ўринлардан бирини эгаллади. Динамочилар охирги учрашувни Грознийнинг «Автомобилист» командаси билан ўтказиб (3:1) муваффақият қозондилар. Иккинчи тур ўйинлари Днепропетровскда 20 январда бошланади.

● **БАСКЕТБОЛ.** Тошкентда Ўзбекистон жисмоний тарбия институти баскетболчилари мамлакат чемпионатининг саралаш учрашувларини муваффақиятли тугаллашди. Командамиз сўнгги учрашувни Волгограднинг «Динамо» коллективи билан ўтказди. Бу ўйинда 111:94 ҳисоби қайд қилинди. Тошкентлик студентлар финалга йўлланма олдилар.

● **ХОККЕЙ.** СССР терма командаси Токиода «Виннипег Джетс» клуби билан учинчи учрашувда ҳам муваффақият (5:1) қозонди. Энди хоккейчиларимиз Канада ва АҚШда 6 марта майдонга тушадилар. Учрашувлар 4—11 январга мўлжалланган.

ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Қишки каникул кунлари бошланди. Болаларнинг ўзлари ҳам, катталар ҳам каникул кунларини шоду ҳуррамлик билан ва қизиқарли ўтказиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Дам олиш уйлари базасида барпо этилган қишки пионер лагерларининг эшиклари болалар учун кенг очилди. Ёш тошкентликларни қулай автобуслар Чимёнга олиб боради. У ерда қорда ўйнаш, чанғиларда ва ченаларда учиш мумкин.

Саккиз юздан ортиқроқ ўқувчи қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград ва Волгоградга бориб келади. Жонажон ўлка бўйлаб болалар сафарга икки баравар кўп жўнаб кетадилар. Самарқандда ва Бухорода бўлишади. Каникул кунлари уйда қоладиган болалар ҳам зерикмайдилар: бир ярим миллион бола арча байрамига қатнашади, клублар ва маданият саройларида байрам арчалари ўрнатилади. Болалар «Қорбобо» ва «Қорқиз» севикли эртакларининг қаҳрамонлари билан учрашадилар, улар анъанавий Янги йил совғаларини оладилар.

Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг кино залларида болалар фильмлари кўрсатила бошланди. Минг-минглаб болалар каникул кунларида қизиқарли конкурсларда, викториналарда иштирок этадилар, бадиий ҳаваскорлик ва профессионал артистлар коллективларининг маҳоратларини томоша қиладилар.

[ЎзТАГ].

Мактаб ўқувчиларининг қувноқ қишки таътил кунлари бошланди. Болалар дам олиш кунларини мазмунли ва маромли ўтказмоқдалар. Суратда: Тошкентдаги 110-мактаб ўқувчилари арча байрамида.

И. Глауберзон фотоси.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кинофильмлар прокати конторасы

1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ РЕСПУБЛИКА КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЧИҚАРАДИ

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ»

(Давр ва қаҳрамонлар Френсис Берт Гартники)

Сценарий муаллифлари — В. ВЛАДИМИРОВ, П. ФИННИ.
Постановкачи режиссёр — В. ВАЙНШТОК.
Постановкачи оператор — К. РИЖОВ.

Мазкур фильм Америка адабиёти тарихига Узоқ Ғарбнинг романтик куйчиси сифатида кирган АҚШнинг буюк ёзувчиси Френсис Берт Гарт асарлари мотиви бўйича яратилган.

Фильм аниқ бир жанрга кирмайди. Унда ҳамма нарса пойга, бурчак-бурчакдан туриб қотиллик қилиш, сир-асрорлар, баллар, каттан қўшиқлар ва кескин баҳслар ўз акини топган.

Нефтнинг қоқора туси, қонинг алвон ранги, ассигнацияларнинг шилдираши ва олтин тангаларнинг жаранги бутун картина бўйлаб акс этади. Аммо жиноятчилар жавобгарликдан қочиб қутулиша олмайди. Айтишларига қараганда, бирон бир жиноят, бирон бир томчи қон қасоссиз қолмайди. Адолат ниҳоят мураккаб ва қандайдир йўллар билан пироварди айбдорни топади ва уни маҳв этади.

Кўп йиллар оғир меҳнат қилиб, ўз участкасида нефть топган, оддий инсон ролини — Габриэль Конрой ва уни ўз макр ишларига тортган, ўтакетган учар ролини — Донатас Банионис ўйнаган.

Фильмда артистлардан, чуночи, Мирча Верою, Сергей Мартинсон, Олег Жаков, Людмила Сенчина, Леонид Броневой, Лев Дуров, Мария Плойя, Талгат Нигматуллин ва бошқалар қатнашади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ»

(Икки серияли)

Сценарий муаллифлари — ЭМИЛЬ ВРАГИНСКИЙ, ЭЛЬДАР РЯЗАНОВ.
Постановкачи режиссёр — Э. РЯЗАНОВ.
Бош оператор — В. НАХАБЦЕВ.

Салкам ўн беш йилдирки, Э. Брагинский ва Э. Рязанов биргаликда ишлаб келишади. Икковлари ёзади, Э. Рязанов эса суратга ҳам олади, ҳам гамгин, ҳам кулгили комедиллари мазмунида шундай гоя ётадики, бизнинг давримизда инсон ҳаётида энг тасодиф, энг ғаройиб бурилишлар рўй бериши мумкин ва лозим.

«Хизматдош ошиқлар қиссаси» фильми мамлакатимиз театрларида бир неча йилдан бери қўйилиб келаётган «ХИЗМАТЧИЛАР» пьесаси асосида яратилган. Фильмлар ўртамиёна маош олиб келган ва унинг ўз таъбири билан айтганда, келишган қаддi-қоматли экономист Новосельцевнинг бўлим бошлиги бўлиши ва ҳаётнинг оширилишига эришиш учун хавфли авантюрага майл бергани ҳақида хикоя қилинади. У ёшн анчага бориб колган ва хунук «Мимра» лақабли бошлиқ аёлга хушомад қила бошлайди. Ўзини унга пок қалб эгаси қилиб кўрсатишга уринади. Эзгу ният, маккорона хушомад муҳаббатга айланб боради. Камсуқум аёл юзидан «гўллик» ниқобини улоқтириб ташлайди.

Ролларни — Алиса Фрейндлих, Андрей Мягков, Светлана Немоляева, Олег Басилашвили, Лия Аҳмаджонова, Людмила Ивановалар ижро этишган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

КУРМАК

Инсон одоби билан гўзал, дейди халқимиз. Одобнинг боши эса тил ва ширин сўз. Ақли, кўнглида дард ва муҳаббат бўлган одам кўрганидан ва эшитганидан сабоқ олади. Дардсиз, тарбиясиз, ёмон хулқли одам эса бу хислатдан бегона. Ундайлардан эл ҳам безор. Қуйида ҳикоя қилинаётган воқеа инсон одоби ва гўзал фазилати ҳамда баъзан орамизда учраб турадиган ноқобил ўғил ва унинг тарбиясига эътиборсизлик билан қараган ота ҳақидадир.

Азим Тошкентимизнинг Қизил майдонида сокинлик. Бу ерда, Улуғ Ленин ҳайкали қаршисидаги киёбонда совет кишисининг буюклиги ва жасоратини ёдга солиб турувчи Номаълум солдат қабри тепасида бир йигит хаёл суриб турарди. Унинг отаси ҳам ўша урушдан қайтиб келмаган, ўз халқининг бахт-саодати учун қурбон бўлганларнинг бири эди. Ишдан қайтаётиб, йигит ҳар куни ана шу муқаддас қабрни албатта зиёрат қилиб ўтарди.

Профессор Латиф Шерматов автобусда кетаркан, негадир ўша йигитни эслади. Нега? Балки ўттиз йилдан бери ўзи қатнаётган мана шу проспект қозир нақадар гўзаллашиб кетганлигидан таъсирлангандир. Эҳтимол, урушда бўлган кезлар, жанговар хотиралари кўз олдига келгандир. Ҳа, у ҳам киёбондаги Номаълум солдат қабрини зиёрат қилиб чиқаётган мана шу йигитнинг отасидек урушда бўлган. Врач эмасми, неча-неча ярадор жангчиларга ҳаёт бахш этган, ҳанчадан-қанча кишилар тақдири учун қайғуриб, кечаларни уйқусиз ўтказган. Уруш аллақачонлар тугаган бўлса ҳам, Латиф аканинг инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун кундалик жанглари тугамаган. Шу йиллар ичида у ҳанчадан-ҳанча одамларни ўз наштари ёрдамида ўлимдан сақлаб қолган, неча юзлаб студент ёшларга лекция ўқиган, олим бўлган шогирдларининг ўзи қанчадан-қанча. Унинг қўлида шифо топиб кетган одамларни санаб саноғига етиш қийин. Ҳа, ишқилиб, саломатлик бўлсин...

— Хой бобой, иккита билетга узатиб юборинг. Бобой, деяпман... Ҳа, қулоқ том битганми?

Профессор Латиф Шерматов қўпол муомаладан сескaниб орқага қаради. Орқада олифта бир йигит унга ўқрайганича чақа узатиб турарди. Латиф ака индамай ўрнидан турди-да, бориб кассадан билет йиртиб келиб, қўлига тутказди. Йигит ҳатто раҳмат ҳам демади.

— Хурматли иним, — деди Латиф ака жойига ўтиргач, гарчи бу йигит ўғли тенги бўлсада, — автобусда одам кам, ўрта йўл бўш, билетни ўзингиз бориб олишингиз ҳам мумкин эди-ку. Бундан кейин шундай қилинг.

— Раҳмат, бобой, — деди йигит ясама илжайиб, — ақл ўргатувчилардан жуда тўйганмиз.

Латиф ака бошқа гапирмади. Шундай яхши замонда эгни бутлигидан, қорни тўқлигидан галтайиб, ўзидан бошқани одам ўрнида кўрмайдиган қилиғи совуқ ва қўпол шахслларнинг ҳамон учраб туриши унга қаттиқ таъсир қилди. Наинки, мана шундай кишилар учун урушда қон тўкканг бўлсак. Нақотки шунча таълим-тарбия, шунча меҳнат натижаси пуч бўлса. Йўқ, ундай эмас. Бунақа битта-иккита бедаволларга қараб ҳукм чиқариш тўғри эмас. Аммо орамизда оз бўлса ҳам, шундай беадаб қўпол одамларнинг борлиги бирнинки — мингга, мингникки — тўманга деганларидек, қанчаҳанча кишиларнинг яхши кайфиятини бузиб, таъбини хира қилади.

— Бугунги чақириқ ҳам ортиқча бўлди-да, — ўйлади у.

Бундан ўн кун олдин бир масъул ходим касалхонадан тузалиб чиққани хурсандчилигига қариндош-уруғларини ва даволаган профессорини меҳмонга чақирган эди. —Ўзиям ҳазилакам касал эмасди-да. Операция жуда мураккаб ва қийин шароитда ўтганига қарамай, бояқиш омон қолди. Қариндош-уруғларини чақириши мумкин, лекин мен у ерда нима қиламан? Асли, таклифини рад қилсам ҳам бўларкан...

Тушадиган бекати яқинлашгани учун ўрнидан турди. Бир қадам босмай туриб, нимагадир қоқилиб йиқилай деди. Қараса, бояги бетамиз йигит оёғини йўлга узатиб, мудраб ўтирган экан. Йигит унинг кўзларига қандайдир жирканч бўлиб кўринди. Автобусдан тушиб то касалхонага етиб боргунча унинг кўз олдидан ўша хунук қиёфа кетмади.

...Меҳмонга чақирилган уйга Латиф аканинг сира ҳам боргиси йўқ эди. Аммо собиқ беморининг қайта-қайта қилган таклифи ва ўзининг розилик бериб қўйгани эсига тушиб, кўчага чиқди. Унинг таъбини ҳамон автобусдаги йигитнинг сўзлари, қилиғи ғаш қилиб турарди. Афтидан, ўша йигит ишлайдиган кўринмайди, мазмуни ота эркаси сифатида ворота институтга суқилиб кириб олиб, фақат бориб-келиб юрса керак, ўйлади у.

Толенни қарангки, у тўхтатган таксининг шофёри жуда дилкаш, ширинсухан йигит экан, тайинланган манзилга етгунича сўраб-сўзлаб борди.

— Ўша сиз бораётган ҳовлини яхши биламан. Эгаси жуда зўр одам. Қизиқ, у кишида ҳам давлатнинг, ҳам шахсий машинаси бор. Ушалардан биттасини сизга юбора қолмабди-да, овора бўлмасдингиз, — сўнг профессорга бир қур назар ташлаб чиққач, сўради, — бирорта идорада ишлайсизми?

— Йўқ, мен врачман.

— Мен сизни бирорта магазиннинг мудирими, деб ўйлабман.

— Мен ўшанақа мудирга ўхшайманми?

— Йўқ, уларникига кўпроқ шунақа ишда ишлайдиганлар бориб туришади. Бир нечтасини ўзим оборганман.

— Ўй эгаси ҳам магазин мудирими?

— Унисини билмайману, лекин ўзи жуда зур одам, дейишади. Яқинда бир ўлимдан қолибди. Битта профессор, кўлинг дард кўрмагур, асраб қолибди. Бугун эрталаб уникига бир кишини олиб борувдим, ўша айтди. Профессорнинг фамилиясини Эрматов дедими, Шерматов дедими, хотирамдан кўтарилибди. Ўша ҳам меҳмонга келармиш.

Машина муҳтаҳам бино олдига келиб тўхтади. Шофёр билан ҳисоб-китоб қилган Латиф ака машинадан тушиб, кўча эшик олдида кутиб турган мезбон сари юрди. Яқинда супурилгани учун ҳаммаёқ озода ва кўнгилли эди. Мезбон профессорнинг қошига қучоқ очиб келди. Худди шу маҳал Латиф ака электр токи урилгандай юриб кетаётган жойида қалтирай тўхтади. Ҳовлидан, бугун эрталаб автобусда кўрган ўша турки совуқ, сочи елкасига тушган олифта йигит чиқиб қолганди. Унинг афти-ангори ҳозир ҳам хунук ва бачкана кўринибгина кетди. Маълум бўлдики, бу йигит шу мезбонининг ўғли экан.

Латиф ака ўзи сезмаган ҳолда орқасига ўгирилди-ю, эндигина жўнаб кетган такси орқасидан «Хой, ука, тўхтанг!» деб қичқирди, лекин шофёр йигит унинг овозини эшитмади, машинани ғизиллатганича узоқлашиб кетди.

Латиф ака вужудининг аллақаери санчгандай бўлди. Қўлидан тутган мезбонга ҳам қарамай, ортиқча тўкинлик ва бойлик аломатлари анқиб турган бу ҳовлидан, кишининг ғашини келтирадиган сохта ва чучмал такаллуф^дан узоқлашди.

— Сизга нима бўлди Латиф Баширович? Марҳамат, ҳовлимизга, ҳамма ва ҳамма нарса сизга мунтазир.

— Раҳмат, азизим, нима учундир ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Мени афв этинг. Уйимга қайтмасам бўлмайди.

— Ёмон сезаётган бўлсангиз, ичкари кириб бир оз ётинг, дам олинг, ҳаммаси жойига тушади-қўяди. Лекин мен сизни бу аҳволда юборолмайман.

— Йўқ, йўқ! Мен кетмасам бўлмайди. Агар менга ёрдам бергингиз келса, катта кўчадан битта такси тўхтатиб келинг.

— Таксига нима ҳожат, ўзимизда ҳам машина бор, бир оз ўтирганингиздан кейин манави ўғлимиз обориб қўяди.

Худди шу маҳал бояги кетган такси нима учундир қайтиб келди. Ҳайрон бўлганиданми, кузонганиданми, Латиф ака «Э, хайрият» деб юборди. Машинадан таксичи йигит чиқди.

— Орқа ўриндиқда манави кўзойнак қолибди, мабодо сизникки эмасми? Ойнаксиз қийналишингизни ўйлаб, орқамга қайтдим.

— Худди ўзи, — деди Латиф ака юрагини тутамлаб. — Бу ерда ишим битди, энди илтимос, мени уйимга олиб бориб қўйсангиз.

Шундай деди-ю Латиф ака уй эгасининг илтимосига, ялиниб-ёлборишига ҳам қулоқ солмай машинага ўтирди.

— Меҳмонда қолавермабсизда, — катта кўчага чиқиб олишганидан кейин шофёр йигит гап қотди. — Тайёргарлик жуда каттага ўхшайди.

— Танимаган жойда, нотаниш кишилар орасида ўтириш жуда оғир. Мен уларнинг бирортасини ҳам танимайман.

— Тўғри қиласиз, — деди таксичи йигит, — мен ҳам танимаган жойга сира бормайман, одам жуда сиқилиб кетади.

То уйга боргунча бошқа гап бўлмади. Нима учундир дилкаш таксичи йигит ҳам аввалгидай сергап эмасди.

Латиф ака йўлда кетяпти-ю, ўғлини беандиша қилиб ўстирган отани, бетамиз, қўпол ва қилиғи совуқ ўша йигитни ўйларди. Ниҳоят, уйга кирганда қандайдир оғир юкдан халос бўлгандай ҳис қилди ўзини.

У ечиниш учун галстугига қўл олиб борганида телефон жиринглади, трубкадан навбатчи қамширанинг товуши эшитилди.

— Бугун операция бўлган боланинг аҳволи оғирлашди, иситмаси баланд. Нима қилай?

— Ҳеч нарса қилмай туринг, ҳозир ўзим бораман. Навбатчи машинани тезда менга юборинг, кўчада кутиб тураман. Эҳтиёт шарти, қайта операция учун материал тайёрланг.

Латиф ака чалқанча пишиллаб ухлаб ётган набирасининг пешонасидан меҳр билан ўпди-да, машина кутгани кўчага чиқиб кетди.

Ҳ. ЗОҲИДИЙ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Чехословакиянинг «Тесла» машҳур электрон саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси шу олтинчи беш йилликнинг охирига қадар йигирма беш хил янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Булар орасида тез электрон уловчиси бўлган автомат телефон станциялар, ҳар хил прибор ва асбоблар, рангли тасвирли телевизион узатгичлар бор.

* * *

Болгариянинг Видин шаҳрида республика химия саноати тарихида биринчи марта қизиқ бир эксперимент ўтказилди. Уни ўтказишда совет электрон-ҳисоблаш машинаси «М-6000»дан фойдаланилди. Машина Видин химия комбинатида полимид тола ишлаб чиқарувчи участкалардан бирида 72 соат мобайнида полимеризация технологии жараёнига «раҳбарлик» қилди.

Ҳисоблаш машинаси жараённинг зарур параметрларини сақлаб турди, зарур командалар берди. Олинган маҳсулот ғоятда сифатли чиқди. Шу билан бирга материал сарфи анча камайди.

* * *

Ҳозирги вақтда ГДР билан Совет Иттифоқидаги 59 та қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари биргаликда 14 хил проблемани ишлаб чиқмоқдалар. Икки мамлакат ўртасида шу соҳада асосан қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ўсимлик янги навлари ҳамда чорва зотларини вужудга келтириш, саламали биопрепаратлар яратиш ва далаларни суғоришнинг энг мақбул режимларини ишлаб чиқариш, янги хил ўғит ва заҳарли дорилар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда ва бу ҳамкорлик тобора ажойиб натижалар бермоқда.

* * *

Швециянинг темир йўлларида ҳаракат хавфсизлигининг янгича системаси синовдан ўтмоқда. Бу система ёрдами билан тақиқловчи сигнал берилганлигига қарамай, машинист эътиборсизлик билан поездни ҳайдаверириши орқасида юз бериши мумкин бўлган авария вазиятларининг олдини олиш мўлжалланади.

Рельсда семафор ёнида махсус қурилма ўрнатилади. Ҳаракатни тақиқлаш сигнали ишга солинганида ҳам машинист составни тўхтатмаса, хавфсизлик системаси ишга тушиб, автомат тормозланиш амалга оширилади. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.30 — Гимнастика. 9.50 — «Вилмасвой Қуёшли шаҳарда» (мультфильм, 4-серия). 10.10 — Ўқувчилар ижросида совет шоирларининг шеърлари. 10.40 — «Омад даниқаси» (бадиий фильм). 11.45 — Ҳайвонот оламида. 15.00—Ҳужжатли фильмлар. 15.30 —«Звёздочёт». 16.15 — Қувноқ ноталар. 17.15 — «Лэсси» (бадиий фильм, 4—6 сериллар). 18.30 —Янгиликлар. 18.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 18.55 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 19.40—Музиқали абонемент. 20.30 —«Само ва ер оралиғида» (спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — А. Лохутий туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган кеча. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари» (бадиий фильм, 2-серия). 11.35 —«Петя ва бўри» (балет эртаги). 12.00 — «Сеҳрли соат» (спектакль). 18.00 — Болалар учун кўрсатув. 18.30 — «Турмуш ва маданият». 19.00 — Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Кино оламида». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ойбек. «Қутлуғ қон» (видеофильм, 2-қисм). 23.10—Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 —Болалар учун фильм. 19.30 — Биология. 20.00 —Янгиликлар. 20.20 — Эстетика. 21.00 — Олий математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Таниш оҳанглар. 9.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 11.15 — «Ўзбекистон» нашриёти янги йилда. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Қуёнчиликка алоҳида эътибор берайлик». 13.30 — Таниқли артистлар билан учрашув. 14.00 — «Далаларда яхоб жилваси». 16.10 — «Адабий радиопочта». 19.00 — Чолғу куйлари. 19.20 — «Ёшлик». 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.00 — Куйлардан қўшиқларга. 22.40 — В. Гофуров. «Сўнгги пушаймон» (повестдан боб). 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/I да **Афсоналар водийси** (12.00), **Севги ҳақида қисса** (19.00), 4/I да **Севги ҳақида қисса** (12.00), **Испан миниатюралари** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/I да **Қор малиноси** (11.00), **Уйланиш** (15.00), 4/I да **Уйланиш** (11.00), **Қор малиноси** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/I да **Она қизим** (12.00), **Ҳижрон** (19.30), 4/I да **Тоғ гўзали** (12.00), **Ужарлар** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3, 4/I да **Кўзингни каттароқ оч** (12.00 16.00), 5/I да **Фақат ақл сотилмайди** (12.00, 15.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00), «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи институт катта илмий ходимлари, филология фанлари кандидатлари Е. Исҳоқов ва Б. Саримсоқовларга оталари

Исҳоқ САРИМСОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти коллективи француз тили факультети декани, доцент М. А. Абдураззоқовга онаси

Жамилахон АПСАПИХОН ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институти коллективи иқтисод фанлари кандидати

Ҳожимурод Алимович ОРИПОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 06701. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 2.